



## ЎХХ ИСТАНБУЛДА ПИКЕТ ЎТКАЗДИ



2011 йилнинг 23 сентябрь куни ЎХХ нинг Россия тамсилчиси Фуад Шокирий бизнинг тахминимизга кўра, Ўзбекистон махсус хизмати қотиллари тарафидан, худди Алишер Соипов ва Обидхон Қорилар каби, ўз уйи ёнида отиб кетилган эди. Сафдошимиз ва дўстимиз Фуаднинг шахид бўлганлигига бугун бир йил тўлди. Шу муносабат билан Ҳаракатимизнинг Туркия бўлими вакиллари “Ўзбеклар бирлиги” жамоат уюшмаси ва Туркиялик бошқа жамоатчи ташкилотларнинг вакиллари иштирокида, Истанбулдаги Ўзбекистон Консулиги ёнида навбатдаги пикетни ўтказдилар. Пикетга Ҳаракатимиз ва Туркия оммавий ахборот во-

ситаларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Пикетда сўзга чиққан ЎХХ Муассислар Мажлисининг аъзоси ва мувофиқлаштирувчиси Намоз Нормўмин ва “Ўзбеклар бирлиги” жамоат уюшмасининг Раиси Адем Чевик Ўзбекистондаги диктатор Каримов тузумининг халқимизга қарши олиб бораётган зулм сиёсати ҳақида тўпланганларга сўзлаб бердилар. Ушбу чиқишларда нотиклар режимнинг қотилликлари ҳақида алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, пикетда унга қатнашган матбуот ходимларига ЎХХнинг матбуот билдириши тарқатилди.

ЎХХ Ахборот Маркази  
22 сентябрь 2012 йил

## ФУАДНИ ЭСЛАБ...

*Бундан роппа роса бир йил муқаддам ҳаракатимизнинг Русия тамсилчиси Фуад Шокирий ўзи яшайётган бино олдида отиб кетилганди. Биродаримиз Фуад очиқ кўнгли ва мард йигит эди. У Каримов диктатурасидан қўрқмасдан, кўнглидаги гапларини бемалол айта оларди. Бу маънода Фуад Шокирий ҳақиқий эркинлик курашчиси эди. Мана унинг шахид бўлганига бир йил тўлди. Эътиқодимизга кўра шахидлар ўлмайди. Фуаднинг биз билан бошлаган иши, яъни Ўзбекистонни эркин ва адолатли давлатга айлантириши эса унинг сафдошлари томонидан давом эттирилмоқда...*

Бир пастда бир йил ҳам ўтиб кетибди, Эй дўстим, бу ҳаёт шундай беамон. Гўё, дилда ғаминг битиб кетибди, Лекин, унутдинглар дейишлик, ёлғон!

Сенсиз, сафларимиз колди заифлаб, Буюк эди ўрнинг, буюк курашда. Биз хануз сафдамиз, юрибмиз эплаб, Ҳеч тўлмади ўрнинг, кўнгиллар ғашда.

Сенга кифоядир шаҳодат қони, Яратган Розикдир зурриётинга. Мангу иззатдадир, Шахидлар жони, Шарафлар битилгай сенинг отинга.

Сен, зулмга қарши тик тураолган, Ҳозир боболарнинг кучоғидасан. Адолат байроғин баланд кўтарган, Авлодлар дилинда, ардоғидасан.

## ЖИЗЗАХДА “ҚҲЙЛАР ҚИРҒИНИ” ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жиззах вилоятида чечак касалига қарши эмлашдан ўлган қўйлар сони ошиб бормоқда. Озодлик манбаларига кўра, ҳаром ўлган қўйлар гўшти Тошкент ва Самарқандда арзонгаровга сотилган, шунингдек колбаса цехларига топширилган.

(Давоми 2-Бетда)

## ПАЙҒАМБАРГА ОТИЛГАН ТОШ ЁКИ БИР ЯХУДИЙ СУРЪЕТЛИГИ

Бугун ислом дунёси ўз пайғамбари ҳисобламыш Мухаммад с.а.в.нигина ҳурмат қилиб колмасдан, балки бошқа пайғамбарларга ҳам юксак ҳурмат билан қарайди. Аммо бугун инсонлар орасида шундай шахслар мавжудки, уларни на ўзга бир динга бўлган ҳурмат ва на инсон қадр киммати қизиқтиради.

(Давоми 3-Бетда)

## САТИРАГА ҲАМ АРЗИМАГАН РЕЖИМ

Сафдошларимиздан бири Ўзбекистондаги режимга қарши сиёсий сатира орқали самарали курашиш мумкин, деган фикрни айтиб қолди ва мен ҳам унга бу жанрда юртимиздаги мустабид ҳокимиятга қарши бирон нарса ёзишга сўз бердим.

(Давоми 4-Бетда)

## БОЛТА КЕЛГУНИЧА, КУНДА ДАМ ОЛАДИ

Ўзбекистон демократик мамлакатга айланадими? Бу савол мамлакат мустақиллигининг илк кунлариданок қўйилганди ва иқтидордаги ҳукумат назариясидан келиб чиқилган бўлса – Ўзбекистон демократик таъмоийлар билан ривожланиб бораётган бир мамлакатдир.

(Давоми 6-Бетда)

## ОТА ВА ҚИЗ ТЕРРОРИСТ-ҚАРОҚЧИЛАР

Бунинг учун бизда етарли далиллар бордир: Мана шу далиллардан баъзилари: Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин давлат тузуми диктаторликка айлантирилди.

Бу француз ва швед маҳкамалари қарорлари билан ҳам тасдиқланди.

(Давоми 8-Бетда)

Жиззах вилоятида чечак касалига қарши эмлашдан ўлган қўйлар сони ошиб бормоқда. Озодлик манбаларига кўра, ҳаром ўлган қўйлар гўшти Тошкент ва Самарқандда арзонгаровга сотилган, шунингдек колбаса цехларига топширилган. Ҳозирча сирли касалдан ўлган қўй гўштини ейиш билан боғлиқ инсоний талофатлар ҳақида маълумот йўқ.

- Ўлган қўйнинг гўштлири, асосан, Тошкентга кетаётган эди. Лекин ҳозир Тошкент заперет қилиб ташлаган. Тошкентга олиб кетган қассобларнинг КамАЗларда тонна-тонна гўштлирни қайтариб юбораяпти орқага. Қабул қилмаяпти Тошкент. Айнан қўй гўштини фақат. Ҳозир қайтиб келган қўй гўштлири колбаса цехларига сотилаяпти.

махсус штаб тузилган. Исмини ошкор қилмаётганимиз штаб ходимига кўра, Жиззахдаги қўйлар мамлакатга ноқонуний йўл билан олиб келинган дорилар билан эмланган. - Бизлар ҳам ҳозир сабабларини кидираяпмиз шуни. Асосий сабаб, ноқонуний контрабанда йўли билан олиб келиб ноқонуний тарзда сотишда энди.

## ЖИЗЗАХДА “ҚЎЙЛАР ҚИРҒИНИ” ДАВОМ ЭТМОҚДА

### Вакцина қилинган қўйлар гўшти сотилаяпти

Озодликнинг маҳаллий манбаларига кўра, қўйлари чечакка қарши вакцина қилинган айрим жиззахликлар қўйлари ўлишини кутмасдан, уни сўйиб гўштга топшириб юбораяпти. Ғаллаорол туманида яшовчи Набижон Жўрабоевнинг Озодликка айтишича, камбағал оилалар арзонлиги учун бу гўштни сотиб олаётган ҳолатлар ҳам учраяпти. - Қўйлар ҳали ҳам ўлаяпти. Ўша укол қилинганлардан. Энг ёмон жойи укол қилинган қўйлар ўлиб қолмасин, деб тириклай сўйиб Тошкентга, Самарқандга, Жиззахда қассобхоналар ҳолодилникларига тикиб ташлаган олиб бориб. Тошкентга кечаси олиб бориб 6000-7000-8000 дан топшириб келаяпти. Қўй гўшти бизда 17 минг. Тошкентларда 25 мингларгача. Ўтган куни кечаси бир КамАЗ қўйни сўйиб ГАИ билан гаплашиб олиб ўтиб кетган Тошкентга қаратиб. Ўзимнинг таниш одамларим саккизта-тўққизта олиб бориб 7000-8000 дан топшириб келаяпти. Энг ёмони, суягидан шилиб олинган лаҳм гўштни олиб бориб Самарқандга колбаса цехга топшириб келаяпти. Менинг ўзимга келди “7000-8000 дан оласими? 25-30 кило сўйиб олиб келиб берман” деяпти. Бир хиллар олаяпти камбағаллар, бир хиллар олмаяпти, деди Набижон Жўрабоев. Жиззахдан олинган маълумотларга кўра, эмлашдан зарарланган қўйлар гўшти асосан, Тошкент ва Самарқандга олиб кетилмоқда. Самарқанд вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг ўзини таништирмаган ходими Жиззахдаги қўйларни эмлаш воқеасидан бехабарлиги ва бугунги кунда Жиззахдан олиб келинаётган гўштлир билан муаммо бўлмаганини айтди. Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология бошқармасининг ўзини таништирмаган ходими эмлашдан зарарланган қўйлар гўштининг Тошкент бозорларига олиб кириш ҳолати бўлганини тасдиқлади. Унинг айтишича, бугунги кунда Жиззахдан Тошкентга қўй гўшти олиб келиш тақиқланган. Эмланган қўйлар воқеасини мустақил ўрганаётган жиззахлик ҳуқуқ фаоли Ўқтам Пардаевнинг айтишича, айни пайтда маҳаллий қассоблар эмланган қўйлар гўштини сотиб олишни давом эттирмоқда.

Ғаллаорол туманининг Бахмалсой қишлоғида кейин Жиззах шаҳрининг чеккароқ жойлари бор. Гулли деган қишлоғи бор. Ўша ердан қассоблар териб юрибди. Кейин Темирязов деган жойлар бор. У ерда ҳам қассоблар оралаб юрибди. Бир хил жойларда қассобларни ушлабди, деб эшитдик. Жиноят-қидирув бўлими болалари ушлаб олиб кетиб тергов қилаяпти, деб эшитдик. Айрим жойларда умуман иши йўқ. Бемалол машиналарга ортиб олиб кетаяпти, дейди Ўқтам Пардаев. Жиззах вилоят Ички ишлар бўлимининг исмини ошкор қилмаётганимиз ходимига кўра, бугунги кунда Жиззах бозорларида қўй гўшти сотиш тақиқланган. - Ҳозир Жиззахнинг бирорта бозорида, бирорта гўшт дўконида қўй гўштини кўрмайсиз. Фақат мол гўшти. Биз эмланган қўйларнинг гўштини олиб чиқиб кетилишини олдини олиш учун вилоятнинг барча чиқиш жойларига постлар ўрнатганмиз. Ҳозир эмланган қўй гўшти чиқарилмаяпти. Лекин бошида бир-иккита олиб чиқиш ҳолатлари бўлди. У ҳам бозорга сотилмаган. Фақат колбаса цехлари ва чўчкахоналарга топширилган. Чўчкахоналарда энди чўчкаларга едириш учун олишган, деди милиция ходими.

### Ўлган қўйлар гўшtidан итлар қутураяпти

Ўқтам Пардаевнинг айтишича, қишлоқларда канал бўйларига ташланган эмлашдан ўлган қўйлар гўштини еган итлар орасида қутуриш касаллиги бошланган. - Каналларга ташлаб юбораяпти одамлар ўлган қўйларини. Ўлган қўйларни еган кучуклар ҳам оғзидан қандайдир кўпиклар, сўлаклар оқиб, қутураяпти. Ҳозир кучукларни ҳам отаяпти қутурганлиги учун. Итлар одамларга қараб ириллаб кўпиклар, сўлакларни оққанлиги учун одамларни тишламаслиги учун отаяпти. Ички ишларга хабар беришяпти. Рўйхат қилиб, отиб, назорат қилаяпти, дейди Ўқтам Пардаев. Айни пайтда, одамлар орасида эмланган қўйлар гўшtidан зарарланиш ҳолатлари қайд қилинган ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Бугунги кунда Тошкентдаги Ветеринария хизмати Бош бошқармасида Жиззахдаги эмланган қўйлар воқеаси бўйича



Номаълум бир дори, у вакцина эмас, номаълум. Биз ҳам ҳозир илдизига ета олмаяпмиз. Нимани олиб келган, нима қилган, деди штаб ходими. Расмийлар ҳозирча аҳолига эҳтиёт чораси ўларок қўй гўшти эмаслик, колбаса ва бошқа гўшт маҳсулотларини ҳам емай туришликни тавсия қилиш билан чекланмоқда.

### Қўшни Қирғизистонда ҳам айни эпидемия

Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти Сузоқ туманида ҳам худди Жиззахдаги каби эмланган қўйларнинг ўлиш ҳолати кузатилмоқда. Қирғизистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи Абдишарип Бекиловнинг айтишича, бугунги кунда Сузоқда эмлашдан сўнг ўлган қўйлар сони 716 тага етган. Бекиловга кўра, Сузоқдаги қўйлар чечак касаллигига қарши вакцина қилинган қўйларни бошлаган. - Вакцина ветеринария дорихонаси бўлган Тошпўлатов деган кишидан сотиб олинган. У эса бу вакцинани номаълум кишилардан харид қилган. Сузоқ туманида ўлган қўйлар диагностика қилинганда уларда ҳеч қандай юкумли касаллик аниқлангани йўқ, деди Бекилов. Ўзбекистон матбуоти Жиззахдаги эмланган қўйлар воқеаси бўйича сукут сақлаётган бир пайтда, қўшни қирғизистонликлар бу масалани парламентда муҳокама қилди. Қирғизистон парламентининг 15 сентябр кунги йиғилишида хабар қилинишича, Сузоқда жами 1960 та қўй вакцина қилинган ва сифатсиз вакцинани сотган киши қочиб кетган. Бугунги кунда Жиззахда қанча қўй эмлангани ҳақида маълумот йўқ. Жиззахлик манбаларнинг айтишича, эмлашдан ўлган қўйлар сони 50 мингга етиб қолган.



### Асрор Элмуродов

Инсоният яралибдики, у ҳар доим ниманидир муқаддас санайди, шу нараси у учун муҳим, унга бу ота-онаси, уруғ-аймоғидан мерос, бутун ҳаётининг бир бўлаги, у шу бир бўлакни кўз қорачиғидай асрайдики, уни келажакда ўз боласига мерос қилиб қолдирсин, худди қачонлардир ўзи қиблагҳларидан олгандек.

## ПАЙҒАМБАРГА ОТИЛГАН ТОШ ЁКИ БИР ЯХУДИЙ СУРБЕТЛИГИ

Бу мероснинг бир қисми пуштикама-рига қон билан ўтса, яна бир қисми эса вақт оралиғида олган тарбия, оилавий муҳит доирасида унга син-гиб кетади. Шу биз билган муқаддас туйғулардан биттаси эса биз билган-нимиз ва ҳар доим интилганимиз, тутилганда қулоқларимиз остида жаранглаган, қачонки азиз инсо-нингни йўқотиб, уни она эр бағрига қўяётиб, қурон тиловатга қўшилиб кўзларингдан кўз ёши бўлиб оқиб тушаётган Ислондир.

Бугун газета ўқийман, телевизор кўраман, жамиятнинг маълум бир қатлами билан мулоқотда бўламан, айтиш мумкинки, жуда кўплаб эзгу ишлар баробарида жуда кўплаб чир-кин ҳодисалар гувоҳига айланаман. Аммо охириги уч-тўрт кун ичидаги бўлган маддоҳлик эса ҳаммасидан ошиб тушди. Гап нима ҳақида кета-ётганлигини сўзим аввалида ёзилган сатрларданок англагандирсиз, албат-та. Мана 14 асрки, жаҳоннинг учдан бир қисми битта муқаддас ришта, Ислон дини билан қаттиқ боғланган, бу муқаддас дин бу инсонлар учун чанкаганда сув, оч қолганда эса нон қабидир. Бу диннинг бандалар ора-сига туширилишида эса муҳим рол ўйнаган, Оллоҳ томонидан муқаддас пайғамбарлик рутбаси берилган инсонки бу Муҳаммад с.а.в.дир. Бугун ислон дунёси ўз пайғамбари ҳисоблавиш Муҳаммад с.а.в.нигина ҳурмат қилиб қолмасдан, балки

бошқа пайғамбарларга ҳам юксак ҳурмат билан қарайди. Аммо бугун инсонлар орасида шундай шахслар мавжудки, уларни на ўзга бир динга бўлган ҳурмат ва на инсон кадр қиммати қизиқтиради. У учун фақат битта дин кадрли ва битта миллат-гина буюкдир бошқа динлар эса инсонлар ўзлар ўйлаб топган иллю-зия ҳолос.

Бундан 2 ёки 3 йил олдин Данияда пайғамбар расми карикатура сифати-да босилди, ундан ўтиб Америкада ўзини олим деб ҳисобловчи аслида эса бурнидан нарини қўролмайдиган бир пастор намоийшқорона муқаддас Курьон китобини ёқди, ундан кейин Афғонистонда Америка аскарлари шу ишни яна такрорлади, бугун эса яна ўша Америкада бир яхудий тад-биркор ХАЙРИЯ сифатида пул йиғи пайғамбар Муҳаммад с. а. в ҳақида масхаромуз фильм суратга олди. Бу фильм осонгина Госнадзордан ўтиб, кимсан Ҳолливуднинг кинотеатрла-рига намоийшга чиқарилди. Интер-нетда эса бу фильмнинг трейлери пайдо бўлди. Америка ҳукумати шунгача ҳеч нарса қилмади, негаки буюк эркин давлат, сўз эркинлиги ва демократия мана мен деб турибди, албатта фақат қўштирноқ ичида. Қачонки мана бу ғалаёнлар ва АҚШ элчихоналарига ҳужумлар бошлан-дики, мана энди ФБР бу иш билан шуғулланиб бошлади, бунгача эса қанча бегуноҳ одамлар қони тўқилди ва яна тўқилмоқда. Бу воқеалар ортидан янги ташвикот янгради яни ИСЛОМ ТОЛЕРАНТЛИККА ТОҚАТСИЗ. Хўш шунча воқеалардан сўнг қандай толерантлик бўлиши мумкин, толерантлик ўзи нима, бу сен муқаддас ҳисоблаган туйғу усти-дан қулиб, устингдан ювинди ағдариб юборса ҳам жим қараб тур дегани эмас. Бу жуда кенг қамровли тушунча

ва унда ўзга инсон шаъни ва динига бўлган ҳурмат муҳим ҳисобланади. Мен ўзим турли хил миллат орасида катта бўлдим, ўртоқларим орасида христианлар, католиклар, лютеранлар ва ҳатто атеистлар ҳам бор эди. Улар менинг дўстларим, ҳа ҳа улар менинг дўстларим, мен улар билан бирга бир косада овқатланиб битта жойда катта бўлдим, ўқидим, лекин ҳеч қачон ўртамизда дин туфайли жанжал чикқанини эслолмайман.

Ёки университет профессор олим-лари билан танишман, улар ҳам ислонда эмас ёки кўпчилиги атеист, аммо ҳар доим бошқа динга, шахсга нисбатан ҳурматда бўлишган, мана бу ҳақиқий толерантликдир. Умуман, дунёда кам сонли дав-латларгина борки, уларда ди-ний бағрикенглик ва миллатлар ўртасидаги қардошлиқ, байналминал-лик жуда яхши йўлга қўйилган, мана масалан ўзимизнинг Ўзбекистон, битта Тошкентнинг ўзида қанча масжид ва черков бор. Турли хил миллат вакиллари эса жуда инок яшашади бу эса жуда катта нарса. Инсон учун авваламбор бир-бирига бўлган ҳурмат, инсонийлик, дин эса унинг шахсий қараш, қандай динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик. Бу танланган дин устидан қулишга, ёки уни таҳқирлашга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бугунги кунда АҚШнинг жуда кўплаб душманлари бор ва АҚШ тарихида қанча террористик актларни биламиз, аммо Америка-нинг ўзидан чикқан битта нодон қиска вақт ичида ҳар қандай терро-рист амалга ошира олмайдиган ишни амалга ошириб қўйди, яъни Америка-дек қудратли давлатни жуда ва жуда ноқулай аҳволга солди. Бу фильм муаллифларига келадиган бўлсак, уларга фақат мен бир нарсани, яъни Оллоҳ касалликларинга шифо берсин дейман, аммо сенинг касаллигинг туфайли тўқилган қонларни ўйласам, бунга шубҳа қиламан.

facebook.com



В Узбекистане в сентябре месяце 2012 года начался массовый сбор хлопка. Хорошей и неожиданной новостью для узбекистанцев было решение правительства Узбекистана отменить принудительный труд школьников на сборе хлопка.

## ПАУ: ПРЕКРАТИТЕ ЭКСПЛУАТАЦИЮ ДЕТЕЙ

Действительно во всех областях Узбекистана и в Каракалпакстане в этом году все школьники учатся, что стало результатом большого давления на правительство Узбекистана со стороны международного сообщества, включая звёзд Голливуда.

Однако дети, учащиеся колледжей и лицеев вывезены в поля и собирают хлопок вместо должной учёбы. Согласно Конституции Узбекистана, детьми являются лица до 18-ти летнего возраста. Возраст детей в колледжах 15, 16, 17 лет. Своими действиями Узбекистан нарушает права детей, нарушает нормы Конституции

Узбекистана, закон о правах ребёнка, международные договора. Поэтому правозащитники Узбекистана призывают правительство Узбекистана отменить эксплуатацию детей учащиеся колледжей и срочно вывезти их с хлопковых полей для учёбы. Необходимо полностью искоренить эту позорную практику принудительного труда детей на хлопковых полях Узбекистана.

Елена Урлова

Правозащитница, лидер правозащитного движения «Правозащитный Альянс Узбекистана». 21 сентября 2012 года. Ташкент. Узбекистан.

Сафдошларимиздан бири Ўзбекистондаги режимга қарши сиёсий сатира орқали самарали курашиш мумкин, деган фикрни айтиб қолди ва мен ҳам унга бу жанрда юртимиздаги мустабид ҳокимиятга қарши бирон нарса ёзишга сўз бердим. Сўз берибман-у, аммо бу жанрнинг, сатиранинг ҳам ўз “объект та-лаблари” борлиги, яъний, барча “объект”лар ҳам сатира даражасига чиқавермаслиги ҳақида ўйлаб кўрмабман.

## САТИРАГА ҲАМ АРЗИМАГАН РЕЖИМ

Сатира – бир стандартдир, бу бир савия, ҳажм ва миқёсдир. Масалан, бир ўғри ёки киссавурни сатира қилиш қийин. Бу тоифадаги одамлар сатира даражасидан паст турадилар. Худди шундай, бир лўли ёки тиланчини ҳам сатира қилиш имконсиздир, чунки, уларнинг ҳам сатира орқали йўқотиши мумкин бўлган бир кадрияти, яна ҳам тўғрироғи, сатира кулги остига олиши мумкин бўлган бир кадрияти йўқдир. Зеро, сатира асосан, объектининг – жамият ёки шахснинг кундалик ҳаётдаги қусурларини эмас, балки, бу қусурларга манба бўлаётган бир ишонч, ғоя, эътиқод устидан қилинадиган кулгудир. Ўзбекистонда бугун ҳукм юритаётган режимда сатира учун керак бўлган ана шу асосий компонент йўқдир. Албатта, бу режимни масхара, майна қилиш мумкин ва шундай шаклда ёзилган ўзимнинг ҳам, бошқа муаллифларнинг ҳам бир қатор матнларини келтирсак бўлади, аммо парадокс шундан иборат-ки, сиёсий сатира учун Ўзбекистондаги режим майдалиқ қилади. Бу режим ўзининг мисли кўрилмаган шафқатсизлиги ва қатағонлари, ўғрилиги ва муттаҳамлиги билан ҳатто сиёсий сатирага ҳам арзимайдиган пастиликдан, примитивликдан юқорироққа кўтарила олгани йўқ. Каримов тўққан конлар ҳам унга бир ҳайбат беролмади, у – майли, диктатор кўринишида бўлса ҳам – бир сиёсатчи даражасига юксала олгани йўқ, у бир жиноятчи-лигича қолди. Қонхўрлиги жиҳатдан

Гитлердан қолишмаса ҳам, Каримов режимида Чарли Чаплиннинг “Буюк диктатор” деган сатирик фильмига объект бўлган Гитлер режимидаги сингари бир идеология йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган. Каримов режими мисолида биз фақат “лўлининг эшагини суғориб, пулини олаётган” ва “эшиқдан хайдаса, деразадан кираётган” бир ўғрисифат ҳукуматни кўриб келдик, холос. “Лўлининг эшагини суғориб, пулини олиш, эшиқдан хайдаса, деразадан кириш” мамлакатни бошқариш услуги бўлажagini президент Ислоҳ Каримовнинг шахсан ўзи ҳокимиятга келган илк йилларида эътироф этган эди. Албатта, лўлидан ҳам муғомбирроқ бир типни сиёсий сатирага объект қилиш қийин, бундай уриниш акс натижа беради, яъни, сатира объектни эмас, балки, объект сатирани жанр сифатида ерга уради, камситади. Бу мулоҳазалар мендаги Каримов режими сиёсий сатира объекти қилиш ниятини йўққа чиқарди. Биз бу режимни масхара қилишда давом этаверамиз, аммо сиёсий сатира – бу режим лойиқ бўлмаган бир поғонадир. Идеология йўқлиги у ёқда турсин, ҳатто давлатчиликнинг ўзини, давлатчилик асослари ва унинг функционал тизимларини ҳам йўқ бўлиш нуктасига олиб келиб қўйган бир савиясизлар, ўғрилари тўдаси ҳақида қандай қилиб бир сиёсий сатира ёзиш мумкин? Ўзбекистондаги режимга нисбатан бўлган мендаги бундай жирканиш туйғуси (нафрат эмас, чунки, ҳатто



нафрат ҳам шу нафрат объектдан бир савия талаб қилади) бугун пайдо бўлмаган экан, бундан 10 йилча олдин шундай сатрларни ёзган эканман: **КУЛГУЛИ УТМИШ**  
Бугун, 1993 йилда туриб, эски кўлёмаларимни титкилар эканман, 1988 йилда ёзилган шундай сатрларга кўзим тушди: Бугун Ватанингдаги ҳар бир қарич ер Захарли жилма-яр кўзингга бокиб. Бугун Атиргул ўзининг тўрт-бешта тиканини Қонли бир жанг учун ҳозирлар найзадай. Бугун Боғларингдаги булбуллар Йўлбарсдай ириллар сайраш ўрнига... Бу сатрлар рус империяси зулмига қарши ёзилган эди. Бугун биз империядан халос бўлиб, “мустақилларча” яшаймиз. Ҳозир захарли (дефолянтлар туфайли бўлса керак) жилмаяётган ер ҳам, ўзининг турт-бешта ожиз тиканлари билан кимгадир таҳдид қилаётган нодон гул ҳам, сайраш ўрнига йулбарсдай ириллаётган асабий булбул ҳолати ҳам ичак узгудай кулгули кўринади... Чунки, бу “персонаж”лардаги пафос империя билан бирга йитди; юксак трагизм ўрнини, тубан комизм эгаллади. Ўзбекистондаги бугунги тузум ернинг “захарли жилмайиши”га, “атиргулнинг фидокорлиги”га ва “булбулнинг шижоати”га арзимайди.  
**Мақсуд Бекжон**



Қуёшинг ботишга оз қолди, гўё,  
Буни англаяпсан ўзинг, Гулнора.

## ЗОЛИМНИНГ ЗУРРИЁТИ ЗОЛИМСАН

Сенинг орзуларинг барчаси рўё,  
Очилади ҳали кўзинг, Гулнора!

Ўйлама сен бўларман деб, юртбоши,  
Тугайди бир куни элнинг бардоши,  
Сени тутар мазлумларнинг кўз ёши,  
Қаро бўлар бир кун юзинг, Гулнора!

Ўзингча, тадбиркордирсан, “Олимсан”,  
Золимни зурриётисан, золимсан,  
Жазоинги олишлигинг лозим сан,

Ҳаром, еган нону-тузинг, Гулнора!

Молу мулкинга ҳам келмоқда қирон,  
Золим отангда ҳам, қолмади дармон,  
Ўтказган умринга қиларсан армон,  
Айтарсан охириг сўзинг, Гулнора.

Қуёшинг ботишга оз қолди, гўё,  
Буни англаяпсан ўзинг, Гулнора.

**М. Абутов. 19 сентябр**

1961 йил 15 сентябрь куни Туркияда ҳарбий тўнтариш амалга оширилган ва уша пайтлар Бош Вазир лавозимида бўлган Аднан Мендерес ва икки вазир бу хунта (ҳарбий тўнтарувчилар) тарафидан осиб ўлдирилганди.

Аднан Мендерес Туркияда Република режими қурилгандан кейин 23 йил давом этган диктаторликни тугатиб, унинг ўрнига эркин бир жамиятга асос солган сиёсатчи сифатида танилади. Жумладан, Аднан Мендерес ҳукумати 17 йил давомида турк тилида айтиб келинган Азонни асл ҳолида, яъни араб тилида айтилишига ва Жумҳурият қурилгандан кейин таъқиқланган Ислоҳ динини ўрганишни қайтада йўлга қўйган сиёсатчи сифатида ҳурмат қилинади.

15 сентябрь яқинда куни бутун Туркияда Аднан Мендерес қатл қилинганининг 51 йиллиги таъзия маросимлари ўтказилди. Бу маросимларда мамлакатнинг танилган сиёсатчилари, зиёлилари ва марҳумнинг яқинлари ҳозир бўлдилар. Истанбулнинг машҳур Султон Аҳмад жоме масжидида марҳум Бош Вазир Аднан Мендерес хотирасига диний маросим ҳам ўтказилди. Хабарларда айтилишича, бу маросимга келганлар масжидга сиғмаганлар. Бу эса ўз ўрнида Туркияда 2000 йилларгача давом этиб келган ҳарбий диктатурага қарши халқнинг ўзига хос намойиши, дея баҳоланмоқда.

17 сентябрь куни Туркияда янги ўқув йили очилди. Маълумотларга қараганда бу йил 17 миллионга яқин ўқувчи ва талабалар мактаблар ва илм даргоҳларига йўл оладилар. Бу йилги ўқув йилини Туркиядаги таълим тарбия соҳасида ислоҳотларнинг бошланиши йили, дейиш мумкин. Биринчидан, бу йил мактабга қатнайдиган болаларнинг ёши 5,5 ёшга қадар туширилди. Таълим тизими ҳар бири тўрт йилдан иборат уч фаслга (4+4+4) ажратилди. Биринчи тўрт йиллик илк мактаб, иккинчи тўрт йиллик ўрта мактаб ва учинчи тўрт йиллик лицей, дея ажратилди.

Иккинчидан, давлат мактабларида истаган ўқувчиларга (буни ўқувчиларнинг ота-оналари белгилайди) Қуръони Карим ва Мухаммад (с.а.в.)нинг ҳаётлари дарс сифатида ўргатиладиган бўлди. Шунингдек, 1997 йилда ҳарбийларнинг тазйиқи остида ёпилган имом-хатиб лицейлари қайта фаолият бошлади. Яъни, истаган оилалар 5 синфдан бошлаб ўз фарзандларини

## ТУРКИЯ ХАБАРЛАРИ



диний ва дунёвий имларни бирга ўқитадиган мактабларга юбора оладилар. Туркиянинг ҳозирги Бош Вазир Тўййиб Эрдўғоннинг ўзи ҳам мана шундай имом-хатиб лицейида таҳсил олган.

\*\*\*

Туркиянинг жануби-шарқида ўз давлатини қуришни истаган курд миллатчиларининг қуролли амалиётлари алангаланиб бормоқда. Бунга сабаб Суриядаги мажхул вазият, шунингдек, Сурия масаласида Ироқ ва Эроннинг Туркияга қарши умумий сиёсати, дея баҳоланиши мумкин. Чунки Сурия, Ироқ ва Эронда курд миллатига оид миллионларча инсонлар яшаши маълум. Сунний Туркияга муҳолиф бўлган шиалар назоратидаги бу уч давлат Туркияни кучсизлантириши ва бу давлатнинг дунё сиёсатидаги таъсирига путур етказиш учун курд исёнчиларини қўллаб-қувватламоқда.

Бунинг далилларидан бири бундан бир неча ҳафта олдин Туркиянинг шарқий чегаралари яқинида эронлик жосусларнинг қўлга олинганидир. Шунингдек, кеча Эрон инқилоби қўриқчиларининг қўмондони ўз мамлакати ҳарбийларининг Сурияда фаолият олиб бораётганини ҳам эътироф этди. Ўз ўрнида Туркия ҳарбий қувватлари курд исёнчиларига қарши жиддий амалиётлар олиб бормоқдалар. Хабарларда юзларча курд террористларининг ўлдирилгани айтилмоқда. Айтилганда, Ироқда шиалар Бош Вазир Моликий ҳукумати сунний ассли Президент Уринбосари Ҳошимийни террорчиликда айблаб, унинг устидан маҳкамада ўлим жазоси берилишига эришганди. Туркия ҳукумати бу мамлакатдан сиёсий бошпана олган Ҳошимийни Ироққа қайтариб бермаслигини маълум қилди.

\*\*\*

Туркияда 2013 йилдан бошлаб сайлов марафони бошланади. Матбуотда 2014 йилда ўтказилиши

керак бўлган маҳаллий ҳокимият сайловларининг 2013 йилга олингани хабар берилди.

2014 йилда Президентлик ва 2015 йилда парламент сайловлари ўтказилади.

Айтиш керакки, Туркия ҳозирги кунда матбуот эркинлиги, турли жамиятлар ва партиялар тузиш эркинлиги, тижорат ва тадбиркорлик эркинлиги ва сайлов эркинлиги етарли даражада таъминланган мамлакатдир. Аммо бу мамлакат муаммоларини фақатгина мана шу эркинликлардан фойдаланиб ечиб бўлмаслиги ҳаётий тажриба билан исботланмоқда.

Бу эркинликлар муҳим қадриятлар ҳисобланса-да, жамиятда дин, миллатлараро муносабатлар, қўшни давлатлар билан алоқалар ва дунё сиёсатининг мамлакатга таъсири омиллари Туркия давлатининг бугуни ва келажаги учун муҳим эканлиги тобора ошқор бўлиб бормоқда. Ушбу омилларни ҳисобга олган Тўййиб Эрдўғон ҳукумати мамлакатда жиддий сиёсий ислоҳотларни амалга оширишни мақсад қилиб олганга ўхшайди. 2013 йил сайловлари олдидадан сайлов тизими ва партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

“Замон” газетасида ўрин олган мақолада айтилишича, бундан кейинги сайловларда Туркия 400га яқин тор сайлов участкаларига ажратилади.

Туркия парламентида фаолият олиб борадиган миллатвакиллари (депутатлар), аввалда бўлгани каби, партиялар рўйхатидан эмас, мана шу минтақалар аҳолиси бевоқиф сайлайди. 100 га яқин миллатвакиллари эса вилоятлардан сайланади.

Шу билан бирга Туркия Буюк Миллат Мажлисида Янги Асосий Қонун (Конституция)ни ишлаб чиқиш жараёни жадаллаштирилиши режалаштирилган. Бу янги Конституция замонавий Туркиянинг деярли бир асрлик тарихида илм марта ҳарбийлар тарафидан ишлаб чиқилмаган Асосий Қонун бўлади.

Бундай ислоҳотлар натижасида Туркиянинг ҳозирда бўлгани каби парламентар тизимдан кучли Президентлик бошқарувиغا айланишини кутиш мумкин.

2014 йилда ўтказиладиган Президентлик сайловида энг кучли номзоднинг ҳозирги Бош Вазир Тўййиб Эрдўғон бўлишига эса шубҳа қилмас ва ҳам бўлади.



Ассалому алайкум хурматли Исмаил Хушев!

Бу ёзганларимни ўйлаб ўйлаб сизга юборишга қарор қилдим. Чунки буни “Ҳаракаат” ёки “Замондош” сайтига юбориш мантиқсизлик бўларди. ЎХХ сайтига босиладиган бўлса тарафқашликка ўхшаб қолиши мумкин. Мен эса ҳукуматга ҳам, муҳолифатга ҳам бетараф бир ўзбек фуқаросиман. Тўғриси айтсам, айнан ўзбекчилигим мана шу нарса сизга ёзишга асос бўлди. Гапнинг индоллосига келадиган бўлсам, мен ҳам ватанимнинг бугунига ва келажакига бефарқ эмасман. Аммо чора нимадалигини ҳам билмайман. Каримовнинг зўровон режими мамлакатимизга яхшилик келтирмади. Аммо унинг

ўрнига қандай режим бўлиши керак? Бу ҳақда ўйлайману ўйлаб, ўйимнинг тагига ета олмайман. Тўғри эркинлик бўлиши керак. Аммо эркинликни ҳам ҳар ким ўзича тушунар эканда! Мана, масалан Абдурахим Пўлатов, широр Юсуф Жума ва Замондошнинг муҳаррири Ризо Обидларни олайлик. Бу одамларнинг гоёси ва мақсади нима ўзи? Бу уч исм инсонларни сўкиш, ҳақоратлаш, мазах қилиш бўйича аллақачон Ўзбекистон “қахрамонларига” айландилар. Ахир инсонда инсоф бўлади, одоб бўлади. Аммо бу “инсон”лар барчани хоин, соткин, ҳаромий, хунаса, ифлос, бачча каби сўзлар билан ҳақоратлаб келаяпти. Буларнинг жиловини тортиб қўядиганлар наҳотки топилмасе? Дейлик, эртага Ўзбекистонда эркинлик бўлиб, мана шу уч “инсонга” ўхшаганлар ўз интернет саҳифаларини, газета журналларини, радио ва телевидение каналларини очиб, халқ ичида мана шундай пропагандаларини бошлаб юборсалар нима бўлади?

Халқимиз ўзи Каримов зулмидан аламини кимдан олишни билмай турган

пайтда бундай “эркинлик” нимага ва кимга хизмат қилади? Маълумки ўзбеклар кўзгалиши кийин халқ аммо бир кўзгалса кейин



## ҲАҚОРАТДАН МАҚСАД НИМА?

бу халқни тўхтатиб олиш ҳам осон эмас. Қайта куриш йилларида она шахрим Кўконда бунга ўзим гувоҳ бўлганман...

Бу инсонларнинг ҳам ота онаси, бола чақаси бордир ахир? Улар ҳам оталарининг нима ёзаётганини ва нима қилаётганини кўриб, билиб туришгандир. Бу оталар норасида ўғиллари ва қизлари билан қандай қилиб бир дастурхон атрофида ўтиришар экан? Ҳозиргина ёзиб келганлари тилга олиб бўлмайдиган сўзлар уларнинг руҳларини қора қилмайдими? Шу қора руҳлари билан улар болаларига қандай қарайдилар, аёлларига қандай қарайдилар? Инсон зоти шунчалик ҳам пасткаш бўладими? Абдурахим Пўлат, Юсуф Жума ва Ризо Обид ҳақиқатан ҳам муҳолиф бўлсалар, нега Каримов режимининг ёмонликларини аввалги ўринга қўйиб, ўз сайтларида шунга яраша материаллар қўйишмайди?

Мен бу одамлардан бирор марта Ўзбекистондаги сиёсий, диний, иқтисодий ва ижтимоий аҳволни тузатиш ҳақида бирор аниқ таклиф

келганини қўрмаганман, эшитмаганман ва ўқимаганман. Агар мен хато қилаётган бўлсам инсонлар айтишсин, мен хатомни тан оламан. Каримов режими диктаторлиги билан ёмонликни тамсил қилар экан, нега бу “зот”лар яхшиликнинг тамсилчиси сифатида ўртага чиқмайдилар? Кузатиб бордим, ҳеч қурмасе рамозон ойида булар ҳақоратларини тўхтатишар, деб. Аммо қаёқда дейсиз? Умуман бу “инсонларда” бирор муқаддас туйғулар ва муқаддас нарсалар бормикин? Агар бор бўлса, наҳотки шу туйғулари тилларини тийишларига монелик қилмайди? Бирор марта одамга ўхшаб, чиройли руҳда, инсонларни яхшиликка, маънавиятга етаклайдиган сўз айтсалар бўлмайдими?

Ахир, кўзлари кўр эмаску, улар сизнинг сайтнингизда берилаётган яхши ёмон материалларни ўқиб бораётгандир? Яхшилик йўлида ёзилаётган мақолаларни, изоҳларни ўқиганларида биз ҳам шуларга эргашайлик, десалар нимани йўқотадилар?

Ёки инсонлар хазар қиладиган сўзлардан бу уч “инсон” лаззат оладими? Бундай кабиҳ “лаззат” туйғуси ишонинг муҳолифга эмас, ҳеч бир оддий инсонга ярашмайди... Биламан, агар бу ёзганларимни сайтнингизга қўйсангиз улар сизга ҳам ташланишлари мумкин. Балки сизнинг номингизга ҳам оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар айтишар. Бунинг учун олдиндан сиздан узр сўрайман. Менинг мақсадим бундай ҳақоратларнинг халқимизга ва ватанимизга яхшилик олиб келмаслигини айтиб ўтишдан иборат эди. Шунини тушунсангиз бўлди...

Ҳурмат билан сайтнингиз муҳлиси

Бетараф Ўзбек  
dunyouzbeklari.com

## БОЛТА КЕЛГУНИЧА, КУНДА ДАМ ОЛАДИ

Ўзбекистон демократик мамлакатга айланадими? Бу савол мамлакат мустақиллигининг илк кунлариданоқ қўйилганди ва иқтидордаги ҳукумат назариясидан келиб чиқиладиган бўлса – Ўзбекистон демократик тамойиллар билан ривожланиб бораётган бир мамлакатдир. Уни нодемократик дейиш керак бўлса, Республика конституциясини ҳам шубҳа остига қўйиш билан баробар!

Президент Ислам Каримов иқтидорга келган даслабки кунлариданоқ айна мана шу жилодор демократия ҳақида гапиради, аслида эса у инсон ҳуқуқларини топташ билан, унинг эркини буғиш ва мамлакатда коррупцияни ривожлантириши билан демократик

тамойилларга зид ҳаракат қилиб ҳам келади. Унинг шарофати ила бугун ўғлонларимиз мардикор, қул, қизларимиз чўри, фохиша ва шу билан ҳам келажакка умид кўзлари ила боқамиз. Келажакимиз албатта буюк бўлади!

Ватанимиз бўлган бу юртни кимлар нималар деб атамади? “Мардикорлар ўлкаси”, “қуллар мамлақати”, мана энди у “Коррупцион” деб ҳам масқара қилинмоқда. Ва бу тавқи лаънатлар остида қолишимизда ҳар бир ўзбекнинг ҳамда ҳар бир ўзбекистонлик ўз ҳиссаси бор. Нега энди Коррупцион? Агар биз порахўрга пора беришни тўхтатсак, ҳукумат ҳам ўзининг коррупцион сиёсатини ўзгартиришга мажбур бўлади. Буни



тушунамиз, аммо амал қилишни истамаймиз. Бундан кўра пора бериб турганимиз яхшироқдек. Тагин ўзбекистонимиз қийноқлар қўллашни олий мақомга етказган мамлакат саналади.

(Давомини кейинги бетда)

## БОЛТА КЕЛГУНИЧА, КУНДА ДАМ ОЛАДИ

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бунда ҳам аҳолининг сукут сақлаб, бу каби хўрликларга норозилик билдира олмаётгани қийноқларнинг бардавомлигини сақлаб келаяпти. Масалан, ҳукумат кучлари бир инсонни ноҳаддан айблаб, қийноққа солиб, бўйнига сохта айбни қўйганида, минглаб одамлар адолат талаб қила олганида, режим инсонларни бу даражада хўрлай олмасди. Агар у дунёдан Адольф Гитлерни олиб келиб, бу дунёдаги Ўзбекистонни кўрсата олсак, у беҳад шод бўларди. Чунки Ўзбекистон қамоқхоналаридагидек қийноқ турларини ҳатто Гитлер концентрацион лагерларида ҳам қўлланилмаган. Лекин фарқ шундаки, Гитлер лагерларида ўзга халқлар хўрланган. Яқинда Ўзбекистоннинг қачон демократик мамлакатга айланиши ҳақида яна сафсата сотиш бошланди. Президент Каримовнинг иддао қилишича, демократияни Ўзбекистонга ёшлар олиб келаркан. Совет ўтмишини кўрмаган ёшлар! Ахир биз шунча йилдан бери демократик тамойиллар билан бошқарилаётган мамлакатда яшаётган эдик-ку! Мамлакатда ўтказилган сайловларимизда халқимиз Ислом Каримовни бир овоздан сайлаб келаётганди. Судлар ҳам ҳамма вақт адолат билан ҳукмлар чиқараётганди. Матбуотимиз ҳам эркин эди. Нега энди ҳукмдоримиз тўнини тескари кийиб, ёшлар демократия олиб келишини иддао қилаяпти?

Қизик, Совет Иттифоқи 1991 йилда парчаланганди, негадир Болтиқбўйи мамлакатларида Совет ўтмишини кўрган авлодлар билан ҳам ҳур, озод бир жамият қуришга эришилди. Польша, ГДР, Чехословакия каби қатор давлатлар Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзоларига айланди. Аммо биз қандайдир уфққа етишимиз, баланд қоялардан ва довлардан ошиб ўтиб халқ ҳокимиятига эришимиз керак? Бундан саволга жавоб йўқ эмас, албатта! Болтиқбўйи мамлакатлари 1940 йилдан Совет Иттифоқи таркибидан бўлишган, яъни истибдодни кам кўришган. Бу бир асоссиз баҳона эканлигини бу сўзни айтган одамнинг ўзи ҳам тушунади!

Демократияни ёшлар олиб келадиган бўлса, шунча йилдан бери Ўзбекистон сиёсий муҳолифати ёлғон гапирмаган экан-да. Демак, Ислом Абдуғаниевичнинг ўзи ёлғон сўзлаб келган. Энди эса Ўзбекистон ёшларидан умид ва улар албатта мамлакатни адолат мезони билан бошқариладиган бир демократик мамлакатга айлантиришидан умид қиламиз. Нега Ислом Каримов бу шаклда гапира бошлаганини ақли

теран ўзбеклар аллақачон тушуниб етишди. Ислом Абдуғаниевич ҳокимият бошқарув тизимини тўнғич қизи Гулнорага топшириб олиши керак ва у эса Ўзбекистонда ёшлар ҳомийси. Албатта қўштерноқ ичида ва албатта иқтидорга келгунича. Дунё мамлакатларига тарқалиб кетган ўзбеклар орасида турли баҳслар учраб туради ва уларда Ўзбекистонда ҳокимиятни Гулнора олиши ёки олмаслиги энг кизгинларидан биридир. Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келади, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Шавкат Мирзиёевми, ёки бошқа бировми, ким ҳокимиятни жоловини ўз қўлига олар экан, албатта Ислом Каримовни лаънатламай, унинг уруғ аймоғига қирон келтирмай халқнинг муҳаббатини қозона олмайди. Бугун Ислом Абдуғаниевичнинг кўзининг ёғини ялаб юрган лагарбардорларидан қай бири ҳокимиятга келсин, албатта айни мана шу ишни қилади. Демак энг мақбул номзод ким? Албатта Гулнора Каримова ва у Ўзбекистоннинг келгуси президенти. Қолаверса Гулнорани Исроил ҳам қўллаб-қувватлайди. Фақат бир масала, бу халқ ўз ўтмишида аёл президент, ёки аёл подшоҳ кўрмаганлигидадир. Бунга кўникма пайдо қилишнинг имкони бўлмасда, Совет ўтмишини кўрмаган ёшлар эса Гулнорани янги президент дея қабул қилишларига умид боғласа бўлади. Чунончи, ҳозирда Гулнора Каримова ўзини имкон қадар халққа яқин олиш ҳаракатига тушиб кетган ва у президент этиб сайланса (аниқроғи тайинланса) Ислом Каримов оёғини узатиб кексалик гаштини суради. Ҳаттоки ўз ўлимидан кейин ҳам унинг номи қораланмайди, шунда ҳам Гулнорадан сўнг унинг бирор фарзанди ҳокимият жоловини ўз қўлига олса. Ўзбекларимизнинг миллий тафаккури ҳам ўзига яраша. Ким уларни ош-палов билан сийласа, улар учун ўша яхши одам бўлиб қолади. Юрда Гулнора Каримова томонидан ташкиллаштирилган мингта никоҳ ва мингта суннат тўйи тадбирдан кўзланган мақсад ҳам аслида шу эди, яъни Гулнора Каримованинг иқтидорга келтириши. Фақат ош-палов билан ҳокимият жоловини қўлга олиб бўлармикан? Албатта камина буюк башоратчи мақомига даъвогар эмасман, аммо яқин орада Гулнора Каримованинг сиёсий бир партияси ҳам пайдо бўлади. У нима деб аталиши мумкинлигини айтиш қийин, аммо Президент сайловларидан Гулнора Каримова номзодини илгари сурадиган бирор партия пайдо бўлиши шарт. Аслида Ўзбекистонда сиёсий эркинликларнинг йўқлиги боис си-

ёсий партия ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, агар мақсад фақат сиёсий ҳокимиятни қўлга олишдангина иборат бўлмаса. Афсуски, Ўзбекистонда ташкил топган партиялар одатда навбатдаги президент сайлови олдидан шаклланади. Масалан 1991 йилда ўтишдаги коммунистик партия бир думалаб Халқ демократлари партиясига айланаркан, дастлабки қадами Ислом Каримов номзодини Ўзбекистон Президентлигига кўрсатиш бўлганди. Мақсадга эришган Ислом Каримов партияни тарк этди. Орада референдум билан президентлик муддати чўзилди ва 2002 йилда у тағин "сайланди". Бу сафар Ислом Каримов номзодини янги ташкил топган сиёсий партия "Фидокорлар" партияси илгари сурганди. Сайловдан сўнг "Фидокорлар" қудуққа тушган тошдек йўқолди. 2007 йилги сайловларда эса унинг номзодини президентлик тахтига янги тузилган сиёсий партия – Ўзбекистон либерал-демократлар партияси илгари сурди. Шундан келиб чиқиб айтиладиган бўлса, яқин келажакда яна бир сиёсий партия пайдо бўлади ва у Ўзбекистон Президентлигига Гулнора Каримова номзодини илгари суради.

Хўш, Ўзбекистон Ислом Каримов айтаётганидек ёшлар билан демократик бўлиб қоладими? Ёки ривожланадими? Йўқ, албатта! Ўзбекистоннинг нодемократик бўлишидан ва унинг камол топмаслигидан даставал Ислом Каримовнинг ўзи манфаатдор-ку! Унга лаббайчи мансабдорлар, тавозеъ билан қўл қовуштириб турадиган халқ ва албатта бировнинг салласи деганда калласини ҳам узиб берадиган дастёрлар керак! Ўзбекистон Ислом Каримов учун мутлоқ кераксиз бир юк бўларди, агарда ундан фойда бўлмаса. Фойда кетидан эса Ислом Каримов ҳам гапми, Исқандар Зулқарнайнлар югуришган. Айниқса ҳар қандай шароитда ҳам яшаб қолишга ўрганган бу халқимиз ҳатто ўзга юртларда ишлаб ҳам топган пулини каримовлар ўпқонига ташлаб турса яна-да яхши экан. Бемалол айтиш мумкинки, Гулнора Каримованинг ҳокимиятга келиш билан мамлакатда коррупция яна-да ривожланиб боради. Сохта умидлантирилган бу халқнинг умидлари чилпарчин бўлишини эса ҳозирданоқ айтиш мумкин. Бу башорат қилиш эмас, балки реалликдир. Ислом Каримов АҚШ ва Исроилнинг ҳимоясида турибди ва барибир кўрқаяпти. Борди-ю бирор инқилобий ўзгариш содир бўлмай туриб, улардан фойдаланиб қолиш керак ахир. Ҳар қалай, айтадилар-ку: болта келгунича кунда дам оларкан!


Тўлқин Қораев



Сарлавҳанинг ниҳоятда катта иддоа эканлигини биз яхши биламиз. Аммо бу фақат иддоа эмаслигига шунчалик кўп далиллар борки, диктатор Каримов ва зулмда отасидан қолишмайдиган Гулнора Каримованинг ўзбек халқига ва мамлакатда фаолият олиб бораётган хорижий сармоядорларга қарши қилаётган жиноятларини бундан бошқа яна қандай таърифлаш мумкин?

Бунинг учун бизда етарли далиллар бордир: Мана шу далиллардан баъзилари: Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин давлат тузumi диктаторликка айлантирилди.

ўлдирилди, БМТ, АҚШ, Оврупо Иттифоқи бунинг Ислом Каримов қатлиоми эканлигини эътироф қилдилар. 30 миллион Ўзбекистон халқига куллик раво кўрилди, улар оддий инсон ҳақларидан, яъни фикр



Суратда Норвегиялик террорист Андерс Брейвик ва Ўзбекистонлик террорист қароқчи Гулнора Каримовани

мусодара қилинди ва ушбу ширкат ходимлари қамоқхонага ташланди... Давлатни бошқараётган шахс ва унинг оиласининг бундай сон саноксиз жиноятлари Ўзбекистонда давлат деган нарса борми ўзи, деган саволни туғдиради. Давлат нима ўзи? Давлат бир халқ шу халқ ўзи яшайдиган ҳудудда ташкил қилган сиёсий, эътиқодий, миллий ва ҳуқуқий ташкилотдир. Аммо Ўзбекистонда бундай давлат борми бугун? Миллийлик борми? Йўқ! Давлатни бошқаришнинг сиёсий механизми борми? Йўқ! Фуқароларнинг ўзаро келишмовчиликларини, шунингдек

## ОТА ВА ҚИЗ ТЕРРОРИСТ-ҚАРОҚЧИЛАР

Бу француз ва швед маҳкамалари қарорлари билан ҳам тасдиқланди. Қунон кеча БМТ ҳам Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари паймол қилинаётган диктаторлик тузumi эканлигини таъкидлади. [bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek) Сиёсий ва диний муҳолифатнинг фаолияти таъқиқланди, муҳолифатнинг таниқли вакиллари сургун қилинди. Ўн мингларча бегунох инсонлар қамоққа ташланди, улардан мингларчаси ваҳшийларча қийноққа солинди, уларга тажовуз қилинди, ўтди ёндирилди, сувда қайнатиб ўлдирилди. Бундай қийноқлар учун алоҳида “Жаслик” концлагери қурилди. 1999 йилда Тошкентда диктатор Каримов режаси билан террористик портлашлар ташкил қилинди. Бу террор ҳаракатида ўнларча киши ўлди ва ундан кейин яна мингларча бегунох инсон қамоққа ташланди. 2005 йилда Андижонда халқ қатлиом қилинди. Мингларча инсон

билдириш, ўзлари истаган жамият ва жамоатларга аъзо бўлиш, сиёсий партиялар тузиш, матбуот воситалари ташкил қилиш, эркин тадбиркорлик ва тижорат билан шуғулланиш, эркин саёҳат қилиш ҳуқуқларидан маҳрум қилинди. Элу халқнинг кўзи олдида диктатор Каримовга муҳолиф фикрлар айтган, аммо ҳеч қандай зўронлик ҳаракатига қўл урмаган Алишер Соипов, Фуад Шокирий ва Обидхон қори Назаровлар отиб кетилди... Бу ота ва қиз қароқчи-террористлар ўзбек халқини мана шу шаклда хонавайрон қилгани етмагандек, ватанимизга келган чет эллик сармоядорларнинг мол мулкни зўронлик билан тортиб олишни ҳам давом эттирмоқдалар. Кеча МТС Уздунробита ширкатининг ходимлари устидан ими жимида маҳкама ўтказилиб (!!!!) уларнинг мол мулки давлат фойдасига (яъни ота – қиз қароқчи – террористлар фойдасига)

давлат ва халқ орасидаги муносабатларни йўлга соладиган ҳуқуқий асослар борми? Йўқ... Тошкентда кеча тугаган ва МТС Уздунробита ширкатини хонавайрон қилган маҳкамани ўтказишнинг нима кераги бор эди? Шундайга ҳам Ўзбекистон деган давлатнинг фақатгина Ота ва қиз террорчи-қароқчилар фаолият олиб борадиган бир ҳудудга айланганини Ўзбекистонликлар ҳам, хорижий давлатлар ва халқлар ҳам яъши биладилар-ку!!! Шундай экан, Ўзбекистон диктатори Ислом Каримов ва қизи Гулнора Каримовалар давлат террористи, дея эълон қилишга бизнинг тўла маънавий ва ҳуқуқий ҳаққимиз бор. Шундай экан, бу давлат террори ва бу ота ва қиз давлат террорчиларига қарши ўзбек халқи ҳам, дунё давлатлари ва халқлари ҳам ҳаракатсиз турмасликлари керак.

## ЎЗБЕКДАН ЧИҚҚАН СЭМ БЭСИЛ: ЮСУФ ЖУМА ПАЙҒАМБАР А.С.НИ ҲАҚОРАТ ҚИЛГАН

Шу кунларда «Мусулмонларнинг гуноҳсизлиги» фильмида Ислом пайғамбари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам (с.а.в.) ни ҳақоратланганлигидан, Аллоҳнинг сўнги пайғамбарига туҳмат қилинганлигидан жунбушга келган мусулмон олами ушбу фильми яратилишида ташаббускорлик кўрсатган, уни тасвирга олишга молиявий кўмаклашган АҚШ фуқароларига нисбатан ўз норозиликларини билдириб, дунёнинг турли бурчакларида кўп минг сонли намойишлар ўтказишмоқда. Фильм муаллифи, «Сем Бесил» тахаллуси остида яширинган америкалик яҳудий уюштирган фитнес Осиё ва Африка қитъасидаги мамлакатларда АҚШ элчихоналарига оммавий хужум уюштиришларга, америкалик дипломатларнинг ўлдирилишига олиб келди. Ушбу фильми, унинг муаллифлари ва хомийларини ҳаттоки мусулмон бўлмаган кўплаб кишилар ҳам кескин қоралаб чиқиши ва чиқишмоқда. Минг афсуски, Ислом пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)ни ҳақорат

қилувчилар фақат яҳудийлар ичиде эмас, балки ўзини мусулмон деб ҳисоблайдиган ўзбеклар ичиде ҳам бор. Қуйида эътиборингизга Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтига бундан уч ой олдин (2012 йил июнь ойида) Тошкентдан жунатилган бир мактубни ҳавола қиламиз. Унинг муаллифи – «Жаслик» қамоқхонасида бухоролик шоир, ҳозирда АҚШда истиқомат қилувчи Юсуф Жума билан бирга жазони ўтаган собиқ маҳбус. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтининг тахририяти ушбу мактубни июнь ойидаёқ, мактуб келиши биланоқ эълон қилмоқчи эди, аммо муҳаррирларимизнинг бу режасига УХХ раҳбари Муҳаммад Солиҳ қаршилик кўрсатганди. Ушбу мактубнинг сайтда эълон қилинишига қаршилик билдириб, Муҳаммад Солиҳ: «Бу хат сайтимизда чиқса, биз ҳам муҳолифатчиларнинг ўзаро жанжаллари ўралашиб қоламиз. Ҳозир муҳолифатчилар кучини бир-бирига қарши эмас, балки фақат Каримов режимида қарши ишлатадиган

пайт», – деганди. Шу сабабдан собиқ маҳбуснинг мактуби чоп этилмай қолиб кетганди. Аммо вақт ўтиши билан Юсуф Жума бутун ўзбек халқига, муҳолифатчиларга, айниқса, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳга туҳмат ва маҳзава ағдарини кучайтира кучайтирдик, асло сусайтирмади. Мисол учун, Юсуф Жума шу йил 15 сентябрь кун «Бирлик» халқ ҳаракатининг [harakat.net](http://harakat.net), 17 сентябрь кун эса журналист Юсуф Расулнинг [uzangidinyo.com](http://uzangidinyo.com) блогинда «Янги Ялавочия», деган сарлавҳа остида мақола эълон қилиб, унда ўзбек халқига, муҳолифатига ҳамда шахсан Муҳаммад Солиҳга қарши навбатдаги бўхтонларини ёғдирди. Бухоролик шоирнинг охириги қилиги уч ойдан бери тахририятимизда сақланаётган мактубни сайтимизда эълон қилишга мажбур қилди. «Жаслик» қамоқхонаси собиқ маҳбуси ёзган мактубнинг қозоқдаги асли аввал УХХнинг Ўзбекистондаги вакилларига топширилган.

(Давоми кейинги бетда)



## ЎЗБЕКДАН ЧИҚҚАН СЭМ БЭСИЛ: ЮСУФ ЖУМА ПАЙҒАМБАР А.С.НИ ҲАҚОРАТ ҚИЛГАН



*(Давоми: Боши олдинги бетда)  
Сайтимиз тахририятига эса мактуб-нинг сканер-нусхаси этиб келганди. Куйида ушбу мактуб матнини ва фотокопиясини ҳукмингизга ҳавола этамиз. Матнини компьютерда тегишда, ундаги имловий ва пунктуацион хатолар тўғриланди.*

### ЎХХ сайти тахририяти

#### ЮСУФ ЖУМАЕВГА ХАТ

Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм!  
Ассалому алайкум, хурматли биродарлар! Мен 159-модда бўйича республикамизнинг турли қамокхоналарида, шу жумладан, Қорақолпоғистондаги «Жаслик» қамокхонасида ҳам ўтириб чиқдим. Шу йил май ойида озодликка чиқдим. Мана шу хатда «Жаслик»да бошқа махбуслар билан бирга жазо ўтаган бухоролик Юсуф Жумаев деган шоир ҳақида гапирмоқчиман. Ўзини муҳолифатчи шоир деб таништирган Юсуф Жумаев, қамокдагиларга Каримов унинг ўғилларини ҳам қаматгани ҳақида айтди. Ёзган шеърларидан ўкиб берарди. Биз унинг кинояли шеърларидан таъсирланиб: «Ўзбекистонда шундай мард шоирлар ҳам бор экану!» дердик. Аммо кейинчалик кўпчилик махбуслар, асосан диний моддалар билан қамалганлар, Юсуф Жумаевнинг айтганларидан кўнгиллари совий бошлади. Шоирга нисбатан олдинги илиқлигимизнинг йўқолишига унинг хулқ-атвори ва баъзи ҳатти-харакатлари сабаб бўлди. Масалан, шоир ўз душманларини ҳам, ўзбек халқини ҳам онасидан сўкарди. Шунда бошқа махбуслар: «Юсуф ака, душманингиз бўлса, ҳам онасидан сўкманг! Бу жуда катта гуноҳ. Халқни ҳам онасидан сўкманг! Ахир, шу халқни туккан оналар ичида бизнинг оналаримиз, ҳатто ўз онангиз ҳам бор-ку!» деб танбеҳ берардилар. Аммо шоир бошқаларнинг айтганлари ҳақида ўйлаб кўриш ўрнига: «Авлиёлар ўртасига тушиб қолдимми ёки фаришталар ўртасигами?!» деб, киноя қиларди. Бора-бора Юсуф Жумаев ўз қарашларини ва ҳатти-харакатларини бир тағтиш қилиб кўриш ўрнига, жоҳиллигини яна-да кучлироқ кўрсата бошлади. «Жаслик»дан чиқишига оз қолганда, у намозхоналарга қарата: «Беш вақт бош-к... тингизни ювиб, ётиб-тураверинглари-чи, нима ўзгараркин ҳаётингизда?!» деб, масхара қила бошлади. Энг қизиғи шундаки, ҳар доим мусулмонларни ва ўзбекларни қўрқоқликда айблайдиган Юсуф Жумаев қамокдан чиқаётганида, президент Каримовга кечиримнома ёзди. Бухоролик шоирга кулги бўлган ва бўлаётган «қўрқоқ» мусулмонлар ва ўзбеклар золимдан кечирим сўрашаётгани йўқ. Юсуф Жумаев турмадан чиқиб, Америкага борган ва журналистларга: «Ўзбекистондаги намозхоналар Каримов томонидан тўғри қамалган. Уларнинг жойи ҳақиқатдан

ҳам – «Жаслик», дебди. Шахсан мен Юсуф Жумаевнинг шундай деганини эшитиб, ҳеч ҳам ажабланмадим. Чунки у қамокдалигида ҳам шунга ўхшаш нарсаларни гапирарди. Юсуф Жумаевнинг ёзган шеърларини бир четга суриб, оддий турмушда, олдибердида айтадиган гапларига эътибор берсак, бу шоир гирт атеист эканлиги маълум бўлади. Ю. Жумаев тилида: «Худога ишонаман», дерди, лекин қолган гаплари унинг иймонлигини инкор қиларди. «Жаслик»даги диний махбуслар Юсуф Жумаевнинг жоҳил ва кофир кимсалигига кейинчалик яна бир бор амин бўлишди. Шоир «Жаслик»дан кетгач, икки ойдан кейин қамокқа бир бухоролик йигитни келтиришди. У ҳам биз қатори диний моддалар билан қамалган экан. Бухоронинг Қорақўл туманидан, ўша Юсуф Жумаевнинг юртидан. Сафимизга янги келган йигитдан Юсуф Жумаев ҳақида сўрагандик, бухоролик йигит дарров: «Ие, Ислон пайғамбарини сўкадиганларни ҳам бу ерга қамашадими?» деди. Олдинга биз тушунмадик, ҳайрон қолдик. Қорақўллик йигит Юсуф Жумаевнинг «Жаслик»қа қамлаганидан беҳабар экан, уни бошқа, оддий қамокда сақланаяпти, деб ўйларкан. «Мен бу ерга фақат мусулмонларни қамашади десам, кофирларни ҳам қамашаркан-да!» – деди ва мана буларни гапириб берди. Юсуф Жумаев бутун Бухоро вилоятида нафақат муҳолифатчи шоир, балки давлат идораларида ишлайдиган ҳоким, прокурор ва бошқа турдаги амалдорларни шантаж қилиб, пул ва мол ундирадиган киши бўлиб танилган. «Ишонасизми йўқми, Юсуф Жумани кўрганда ҳоким борми, раис борми, сельхозтехниканинг директори борми, ҳаммаси тум-тарақай қочарди. Чунки қочмаса, шоир уларни кўрқитиб, бирор нарса ундириши аниқ эди», деди қорақўллик биродар. Унинг айтишича, Юсуф Жумаев шу йўл билан бир нечта қимматбаҳо машина сотиб олиб, икки қаватли ҳашаматли уй қуриб олган. «Шунча бойлиги ва уйи бўлса ҳам, онасини тракторчи укасининг олдида, ҳароба бир уйда қолдирган. Бечора онасининг ҳолидан хабар ҳам олмайди. Шўрлик онанинг бахтига қамбағал бўлса ҳам, шу тракторчи ўғли бор экан!» деди бухоролик. Унинг айтишича, ноҳақликка учраган қорақўллик ёки кўшни Олотлик одамлар сўнгги чора сифатида Юсуф Жумаевга мурожаат қилишаркан. Шоир эса аҳолининг шикоятларидан унумли фойдаланиб, шу шикоятлар билан туман ва вилоят раҳбарларини шантаж қиларкан. «Бир марта унинг олдида Олот туманидан бир-икки намозхон қария келиб, намозхон ўғилларининг ноҳақдан қамалганлигини айтишган. Гапдан гап чиқиб, Ислон дини асосларидан гап очилиб, ўртада мунозара бошланиб кетган», деди қамокдош

биродар. Охир-оқибат баҳсда енгилган Юсуф Жумаев қарияларни қувиб солган. Қуваётиб эса бу хатда ёзишим ўта оғир бўлган гапларни айтган. Қанчалик оғир бўлса ҳам, фосиқнинг фосиқлигини кўрсатиш учун ўша оғир сўзларни шу ерда ёзишга мажбурман. Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Ушанда Юсуф Жумаев Олотлик қарияларга: «Сизларнинг пайғамбаринг киму, ўзларинг ким?! Пайғамбарингиз ёш йигит бўлатуриб, қари тул хотинга уйланган бир к... т бўлса, сизлар ўзларингиз сийдиги ер тешмайдиган бир ҳезалак бўлсангизлар, Каримов мусулмонларни с... май, бошқаларни с... минми?!» деган. Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Қорақўллик дўстимизнинг сўзларидан, аниқроғи, Юсуф Жумаевнинг ҳақоратидан биз тоза асабийлашдик. Чунки инсоният тарихидаги энг намунали инсон ҳақида бундай ҳақоратни эшитиш иймонли кишиларни изтиробга солмаслиги мумкин эмас. Биз қорақўллик биродаримизнинг сўзлари ростлигига ишондик. Чунки, биринчидан, у йигитнинг иймони бутун, ибодати қатъийлиги маълум эди. Бухоролик дўстимиз Олотлик ўша чоллар хали ҳам тириклиги, улар Юсуф Жумаевни ҳеч қачон кечирмаслигини ҳам айтиб ўтди. Икинчидан эса, Юсуф Жумаевнинг шундай сўзларни айта олиши ҳам бизга кундек равшан эди. «Шу ерлардан эсон-омон чиқсам, яхши кунлар келса, пайғамбаримизни сўккани учун Юсуф Жумадан қасос оламан!» деди шоирнинг «зёма»си. Шу ерда ўтирган бошқа мусулмонлар ҳам Расулulloҳ алайҳис-салломни ҳақорат қилган кофир шоирдан ўч олишга сўз беришди. Мавриди келди, мана шу хат орқали Юсуф Жумаевга мурожаат қилмоқчиман:

Юсуф Жумаев! Сиз ҳеч қачон Америкадан Ўзбекистонга қайтиб келманг! Ҳаттоки Каримов кетиб, ўрнига муҳолифат келса ҳам, қайтманг! Чунки бу ерга келишингиз биланок, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламни сўкканингиз учун сиздан албатта қасос оламингиз! Балки, сизни Америкадан излаб топиб, у ёқларда ўч олишар... Шунинг биланок, айтган ифлос гапларингиз учун мусулмонларнинг жазосидан бу дунёда қутулиб қолсангиз ҳам, у дунёда Аллоҳнинг жазосидан қутулиб қола олмайсиз!  
«Жаслик»даги собиқ қамокдошингиз  
14.06.2012,  
Тошкент



Ўзбекистондаги йирик мобил алоқа оператори UCell эгаси Шведиянинг TeliaSonera президенти ширкатнинг Ўзбекистонда давомли қолиши учун тижорий ва бошқа шароитларнинг қанчалик рағбатли экани мунтазам ўрганилаётгани ва бу шароит мақсадга мувофиқ деб топилмаса, ширкат Ўзбекистонни тарк этиши мумкинлигини билдирди.

TeliaSonera президенти Ларс Нюбернинг бу баёноти 20 сентябр куни ўтказилган матбуот анжуманида янгради.

Айни шу анжуманда акцияларининг 37 фоизи Шведия ҳукуматига қарашли бўлган TeliaSonera президенти 2007 йилда Ўзбекистон ҳукуматидан лицензия олиш учун режим, аниқроғи Гулнора Каримовага миллионлаб доллар пора берганлик айблари юзасидан жавоб беришга мажбур бўлди. Шведия жамоатчилик телевидениесининг “Вазифа:Текшириш” деб номланган кўрсатувида намойиш этилган ҳужжатли филмда учдан бир қисм акциялари Стокхольм ҳукуматига қарашли бўлган TeliaSonera шаънига ўта жиддий айб қўйилди. Филмда швед ширкати 2007 йилда ўзбек мобил алоқа бозорига кириб, UCell қорхонасини очиш учун Гулнора Каримовага 337 миллион АҚШ доллари миқдорда “откат” берганликда айбланмоқда. TeliaSonera айбловларни рад қилди 20 сентябр кунги матбуот анжуманида TeliaSonera президенти Ларс Нюберг ҳужжатли филм муаллифларининг учдан бир қисми швед давлатига қарашли бўлган ширкатнинг Ўзбекистон телекоммуникация бозорига кириш учун Каримов режимига пора бергани ва бунинг учун пул ювиш схемаларига қўшилгани ҳақидаги айбловларини кескин рад этди. Айни пайтда, TeliaSonera бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида ширкатдан мустақил одамлар ёллангани, агар ширкатнинг Ўзбекистонда ғайриқонуний ва ғайриахлоқий ишларга аралашгани исботланса, ўзининг истеъфога кетажанин эълон қилди. Стокхольмдаги матбуот анжумани тугаши билан Озодлик саволларига жавоб берган TeliaSonera ширкати вице-президенти Сисилия Эдстром ҳам ўз бошлиғи баёнотини сўзма-сўз такрорлади:

- Бизнинг нуктаи назаримиздан, ҳеч кимга пора бермаганимиз, ҳеч қандай пул ювиш операциясига аралашмаганимиз борасида ишончимиз комил. Аммо бу журналистлар бизга қарши ўта жиддий айблов қўймоқда. Биз пул ўтказган ширкат рисоладагидай рўйхатдан ўтган ва биз соғиб олган частота ва лицензиянинг эгаси сифатида ҳуқуқий мақомга эга эди. Биз шартнома тузган шахснинг бу ширкат номидан иш кўриш ваколати бор эди. Биз ўтказган суриштирувдан

## ШВЕД МУТАХАССИСИ: ГУЛНОРА БИЛАН КЕЛИШУВНИНГ САССИҒИ ЧИҚАЁТИР

шулар аниқланди ва бундан бошқа нарса чикмади, дейди 20 сентябр куни TeliaSonera президенти билан матбуот анжумани ўтказган ширкат вице-президенти Сисилия Эдстром хоним.

Шведияда можаро пишиб етилмоқда 19 сентябр куни Шведиянинг SVT жамоатчилик телевидениеси намойиш қилган ҳужжатли филм, шу кунгича мамлакатда шов-шувга сабаб бўлди ва ҳукумат ва TeliaSonera коридорларида жиддий можаро бошланишига асос бўлди.

- Бу ҳозирда Шведиядаги жуда-жуда катта воқеага айланди. Кеча филм намойиш қилиниши ортидан Жамоатчилик ҳолдинглари бўйича давлат вазирни телевидениеда чиқиш қилиб, қўйилаётган айбловларнинг ниҳоятда жиддий экани ва бу саволларга аниқ жавоб берилиши лозимлиги ҳақида баёнот берди. Айни пайтда, Шведияда жиддий молиявий фирибгарликларни тафтиш қилувчи махсус давлат идораси бор. Бу идора ҳам вазиятни яқиндан кузатмоқда ва тез орада TeliaSonеганин Ҳзбекистон ҳукуматидан қандай қилиб частота ва лицензияни сотиб олгани юзасидан расмий жиноий иш очилса керак, дейди “Вазифа:Текшириш” деб номланган ҳужжатли филм муаллифларидан бири Фредрик Лаурин Озодлик билан суҳбатда.

“Вазифа:Текшириш” хулосалари Фредрик Лауринга кўра, учдан бир қисми Шведия ҳукуматига қарашли бўлган ва ўз бизнес этикаси билан мунтазам мактаниб келадиған TeliaSonera ширкати қандай қилиб Ўзбекистон каби сиёсий коррупция ботқоғига ботган диктаторлик давлатига кириб, бу давлатда “тоза” бизнес қилаётгани борасида туғилган саволлар, олти ой муқаддам ўзи ва икки ҳамкасбини кенг кўламли суриштирув ўтказишга ундайди. Филм муаллифлари билан суҳбатда Марказий Осиё бўйича швед таҳлилчилари, Ўзбекистонда пора бермасдан бизнес қилишининг деярли имконсиз ҳолат эканини айтадилар. Мустақил ҳисоботларда, дунёнинг энг коррупциялашган режими деб келинадиған Ўзбекистон ҳукумати билан TeliaSonеганин илк келишуви 2007 йилда амалга оширилган.

Аммо швед ҳукумати учдан бир қисм мулкдори бўлган TeliaSonеганин Ҳзбекистон бозорига киришга йўл очган бу келишув Тошкент ёки Стокхольмда эмас, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва TeliaSonera ўртасида эмас, балки Тошкентдан 6300 километр узоқликда жойлашган Гибралтардаги Takilant Ltd. ширкати билан имзоланади.

Гибралтар каби оффшор ҳудудлар эса солиқдан қочиш ёхуд ҳақиқий эгалари кимлигини яширишни мақсад қилганлар учун жаннатмақом ердир, дейди Takilant тагига етиш учун у рўйхатдан ўтган Гибралтарга саёҳат қилган швед журналистлари. Регистрация қоғозларида манзили 26 Main Street деб кўрсатилган Takilantни бу манзилдан топа олмаган мухбирлар, Гибралтарда ширкатларни рўйхатдан

ўтказиш идорасига бориб, Takilantга оид бир неча варақлик қоғозларни олади. Бу қоғозларда Takilant эгаси сифатида биргина шахс – 1985 йилда туғилган Гаяне Авакиян кўрсатилган. 27 яшар Гаяне Авакиян эса, Ўзбекистон президентининг тўнғичи Гулнора Каримованин ғкин одамларидан бири ва у ўтказиб келадиған турли мода лойиҳалари директори ҳамдир. Айни Гаян Авакиян, ҳозирда Швейцария Бош прокуратураси бошлаган ўзбек пулларининг ювилишига оид кенг кўламли жиноий ишдаги асосий шахс ва Швейцария томонидан халқаро қидирувга берилган. Тўрт Ўзбекистон фуқаросига нисбатан очилган бу жиноий иш фигурантлари юзлаб миллион долларни ўз ичига олувчи йирик пул ювиш операцияларини амалга оширганликда айбланмоқда ва улар ҳисобидаги бу пуллар ҳозирда Швейцария Бош прокурори буйруғи билан музлатиб қўйилди. Швейцар терговчилари тахминича, бу тўртгала шахс банк ҳисоблари орқали ҳаракатланган юзлаб миллионнинг асл эгаси Гулнора Каримова бўлиши мумкин.

Гаяне Авакиян – шунчаки қўғирчоқ Шундай қилиб бир-биридан мустақил суриштирув ва текширув ўтказётган швед журналистлари ва Швейцария терговчилари ихтиёридаги маълумот ва ҳужжатлар бир шахс – Ўзбекистон президентининг тўнғич кизи Гулнора Каримова келиб тақалмоқда. Takilantни бевосита рўйхатга олган агент Жонатан Стагнетто швед мухбирлари билан суҳбатда, оффшор коидасига кўра, ширкатларнинг нима билан шуғулланишию, уларнинг асл эгалари кимлигини суриштириш ўз ишига кирмаслигини айтади. Айни пайтда, бу соҳада 23 йиллик тажрибага эга Стагнетто Takilant эгаси деб қайддан ўтказилган Авакиян каби шахсларнинг шунчаки қўғирчоқ экани, бу ширкатлар ва улар орқали қилинадиған молиявий операцияларнинг асл эгаси, айниқса Ўзбекистон шароитида, бошқалар бўлиши ҳақиқатга жуда яқин эканини айтади. Журналистик суриштирув давомида, TeliaSonеганин Takilantга тўлагани айтилган 2 миллиард 200 миллион кроннинг Takilant қирим-чиқим дафтарида мутлақ қайд этилмагани аниқланади.

Takilantнинг изи Гибралтардан Россияга эллагани, аммо Россияда изсиз йўқолганини ўрганган филм муаллифлари қўлга қиритганлари молиявий ҳужжатларни шарҳлашни сўраб Шведиядаги молиявий жиноятларни тергов қилиш борасидаги энг нуфузли мутахассис Ларс Ҳаммарга мурожаат қиладилар.

- Бу ерда гап ё пул ювиш ёки откат тўлаш ҳақида бормоқда. Бу қоғозлар Takilantга тўланган пулларнинг амалда президентнинг қизига берилганини кўрсатиши мумкин. Бу келишувнинг тоза эмаслигини айтаётган ягона швед мен бўлмасам керак. Бу келишувнинг сассиғи чиқаётир, дейди Takilant билан TeliaSonera келишувини ўргангач Ҳаммар.



## БИЛИМСИЗ КЕЛАЖАК!

Хоразм вилояти “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилоти олдинги йиллар мониторингидан келиб чиқиб, Хоразм вилояти билим даргоҳларидаги инсон ҳуқуқларининг бузилишлари тўғрисидаги камчиликларни бир неча маротаба ўз сайтларида ёритган эди.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда ҳам Хоразм вилояти билим даргоҳларининг айримларида қонун доирасида олиб борилаётган бўлса-да, кўпчилик умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқувчи ёшларнинг билим даражаси ўта паст аҳволда қолиб кетмоқда. “Нажот”нинг мониторинг натижалари, бунга энг биринчи сабаб, билим даргоҳларининг педагог ходимлар билан таъминланиши, кадрлар масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилишидан иборат эканини кўрсатмоқда.

Билимсиз раҳбарлар фаолиятида педагог бўлмаган ходимларни ишга олиш, фирромлик, ижтимоий адолатсизлик, порахўрлик, давлат мулкни талаш, таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик килишлар, мансаб лавозимидан шахсий бойлик орттириш йулида фойдаланиш, ўтмиши жиноятчи, диний ақидапараст, гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи ва сотувчи, хулқи бузук, халқ орасида номаъқул деб топилган шахсларнинг бу каби даргоҳларга кириб келиши бу соҳани назорат қиладиган ҳуқуқ-тартибот идораларини ҳам қизиқтирмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилганини сезиш мумкин. Жумладан: хавфсизлик, ҳозирги кунда бутун дунёни ларзага солаётган халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик каби бало-қазоларга яқин шахсларни таълим даргоҳларида болаларга яқин бўлиши педагог раҳбарларнинг ўзи гиёҳвандлик билан шуғулланиши наҳотки юқори турувчи амалдорларни қонуний қизиқтирмасан?

Қонуннинг қуч-қудрати, обрўси, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда унинг ҳалол, ҳаққоний, одилона татбиқ этилишига боғлиқ. Айниқса, билим масканида бу масала ўн қарра, юз қарра мукамалликни тараб қилади. Хоразм вилояти туманларидаги билим даргоҳларида юқоридаги адолатсизликларга қарши курашаётган зиёли инсонларнинг ўз лавозимидан бўшаталиши, билимли фуқаролар турли усуллар билан қувғин қилиниши содир бўлмоқда. Зиёлиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминловчи жамоат ва давлат қўриқчилари томошабинга айланиб қолишган.

Агар қонун ноҳолис қўлланилиб, қонун ижросининг оёғи туғрилиқ йулидан четга тойса, ўғри қолиб, тўғри, айбдор қолиб, айбсиз, гуноҳкор қолиб, бегуноҳ жазоланса, одамлар-



Хайитбой ЯҚУБОВ,  
Хоразм вилояти “Нажот” инсон  
ҳуқуқлари ташкилоти раиси

нинг бурни ноҳақдан-ноҳақ қонаса, бундай адолатсизликдан фуқаролар беҳад жабр-ситам қўради, натижада давлатимиз обрўсига путур ета бошлайди, жамиятимиз негизлари заифлаша боради.

“Нажот”нинг фақат Хива туманида олиб борган мониторинг натижалари асосида юқорида келтирилган сўзларга ушбу рақамларни қўйиб чиқсак, кадрлар муаммоси натижаси ва келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг билим доираси қандай эканини билиб оламиз:

Хива туманидаги мактабларда педагог ходимлар билан таъминланиши: Туманда жами - 2960 нафар ўқитувчи фаолият қўрсатади. Шундан 1152 нафари олий, 1811 нафари ўрта махсус маълумотли, улардан 500 нафари номутахассис ўқитувчилардир.

### УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ЕТИШМАЙДИГАН ЎҚИТУВЧИЛАР:

1. МАТЕМАТИКА - 52. 2. ФИЗИКА - 48. 3. ХИМИЯ - 45. 4. ГЕОГРАФИЯ - 38. 5. ИНФОРМАТИКА - 28. 6. ХУҚУҚ - 32. 7. ИНГЛИЗ ТИЛИ - 60. 8. РУС-ТИЛИ - 30. 9. ТАРИХ - 35. 10. ОНА ТИЛИ - 25.

Қолган 107 нафари бошланғич синфда мутахассислиги меҳнат таълими фани бўлса-да, мусиқа, она тили, физика ва математика, инглиз тилидан дарс бераётганлар. Давлат бюджети фақат таниш-билиш, қариндош ва пора эвазига ишга жойлашган билимсиз малакасиз шахсларга тарқатилиб, талон-тороғга йўл қўйилмоқда. Ҳокимликлар ва тегишли амалдорлар тавсияси ва юқоридан бўлаётган босимлар оқибатида ўқув даргоҳларини бошқариш учун тайинланаётган раҳбарларнинг билимсизлиги, уларнинг малакаси ва дипломи бажараётган ишига тўғри келмаслиги қадимдан муқаддас саналмиш билим даргоҳларининг емрилишига олиб келмоқда.

Хива тумани академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари эса қишлоқ қурилиш лойиҳаси асосида қурилаётган янги қоттежлар қурилишига мажбурий сафарбар қилинган. Жаҳон цивилизацияси

юксалиб олға кетаётган XXI асрда, юртимизда келажагимиз ўқувсизлик, билимсизлик ботқоғига ботиб бормоқда. “Нажот” ҳуқуқ-тартибот идораларидан, уларнинг фаолияти қонун устиворлиги, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, кадр-қиммати, эркинлиги, шаъни, ғурурини химоя қилишга, ижтимоий адолатни қарор топтириш ва мустаҳкамлашга қаратилганини эслатган ҳолда, вилоятимизни барча мактабларидаги аҳволни тубдан ўзгартиришни, келажагимиз бўлган болаларнинг вақтни беҳуда ўтказмай, муқим ва муқим таълимга эга бўлишларини таъминлашни ва бу борада назоратни кучайтиришни талаб қилади. Шу билан бир қаторда, вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳокимликлар ва бошқа мутасадди ташкилотларни оғош этиш мақсадида “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ”нинг таълимга доир моддаларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим кўрдик:

### 26-модда

Ҳар бир инсон билим олиш ҳуқуқига эгадир. Таълим, кам деганда бошланғич ва умумий таълим, текин бўлиши керак. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши лозим. Техникавий ва хунар таълими барчага муҳайё этилиши, олий таълим эса ҳар бир одамнинг қобилияти асосида барча учун бир хил муҳайё этилиши керак. Таълим инсон шахсининг баркамоллигига ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматнинг ортиб бораверишига қаратилиши лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка, сабр-бардошга ва дўстликка қўмаклашиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдамлашиши керак. Ота-оналар ёш болалари учун таълим турини танлаб олишда нуфузли ҳуқуққа эгадирлар.

### 27-модда

Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда қатнашиш ва унинг нёзматларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир инсон ўзи муаллифи бўлган илмий, адабий ёки бадий асарлар юзасидан маънавий ва моддий манфаатлари химоя қилиниши ҳуқуқига эгадир.

### 28-модда

Ҳар бир инсон Мазкур Декларацияда баён этилган ҳуқуқлар ва эркинликлар тўла-тўқис рўёбга чиқадиغان ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир.



Малик Мансур, “Америка Овози”

Ўзбекистон пахта теримига ҳозирланмоқда. Маълумотларга кўра, ҳукумат бу йили ҳашарчилар ва талабалар иштирокини яна-да кенгайтиради. Айти пайтда марказдан вилоятларга йўлланган комиссия пахта далаларида улар учун яратилаётган шарт-шароит билан танишмоқда. Ўқувчилар бу мавсумда ҳам асосий иш кучи бўлиши кутилмоқда. Лекин Бош вазир Шавкат Мирзиёев халқ таълими бўлимига болалар меҳнатини таъқиқлаш ҳақида буйруқ бериб, бу қонунга зид эканини эслатган. Вазиятни кузатиб турган фаоллар назарида бу шунчаки кўзбўямачилик.

Бир неча йилдирки, пахта терими бошланишидан аввал Ўзбекистон ҳукумати мактаб ўқувчиларини пахтага жалб этишни таъқиқловчи қарор қабул қилади. Бироқ пахта терими бошланишидан бир оз ўтиб, яна шу ҳукумат топшириғига кўра, ўқувчилар оммавий тарзда пахта теримига олиб чиқилади. Ҳукумат ўқувчилар учун теримнинг кундалик режасини белгилайди. Мактаб директорларидан ҳар бир теримчи, яъни ўқувчи юзасидан кескин ҳисобот талаб қилинади. Раҳбарият пахтага чиқмаган ўқувчилар жазоланиши ҳақида огоҳлантиради.

## VOA: ПАХТА БОЛАЛАРСИЗ ТЕРИЛМАЙДИ, ҲУКУМАТ КИМНИ ЛАҚИЛЛАТМОҚЧИ?

Ўқувчилар уч ойча пахта даласида ишлайди. Мактаблар, боғча ва, ҳатто, омборхоналар ётоқхонага айланади. Масалани ўрганган ташкилотлар ҳисобича, ҳар йили 2 миллиондан ошиқ ўқувчи теримга жалб қилинади.

Тошкентдан халқ таълими бўлимига берилган огоҳлантириш, дейди болалар меҳнати юзасидан мониторинг ўтказиб келаётган ҳуқуқ ҳимоячилари, хўжақўрсинга қилинаётган ҳаракат. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари жамиятининг Қашқадарё вилоятидаги фаоли Гулшан Қораева: “Эҳтимол, ҳукумат пахта бойкотидан қутулмоқчидир, лекин болаларсиз пахта териб олинишини тасаввур этиш кийин. Бундан ташқари, шароит оғир. Кўплаб оилалар болаларини ўзлари ҳам чиқариши мумкин. Чиқармаймиз деган билан ҳам, бусиз иложи йўқ. Айрим фермерлар биз пахтани ўзимиз термоқчимиз деса, бунга ҳам рухсат беришмайди. Лекин айрим пахтакорлар ёрдамчиларсиз ҳосилни териб олиш мумкин эмаслигини айтишади”.

Ўзбекистон учун пахта стратегик хомашё. Оқ олтин, давлат буюртмасига кўра, фермерлар зиммасига мажбуран юкланади. Мамлакатда 3 миллион тоннага яқин пахта етиштирилади. Терим машиналари жуда оз. Ҳосил, асосан, ўқувчилар ва давлат бюджетига ходимлар томонидан қўлда терилади. Жанубий вилоят бўлмиш Қашқадарёда 20 августдан пахта терими бошланади. Маҳаллий манбаларнинг “Америка Овози”га айтишича, айти пайтда давлат кор-

хоналари ишчилари, шу жумладан, ўқитувчиларни сафарбар этиш учун тайёргарлик авжида.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари жамияти раҳбари Абдужалил Бойматов фикрича, ҳукумат турли буйруқларни дунё аҳлини лақиллатиш учун берапти, холос.

“Ўзбекистон ҳукумати болалар меҳнатини тақиқловчи халқаро конвенцияларни имзолаган. Халқаро ҳамжамият олдида масъулияти бор... Аслида эса ўқувчилар яна пахтага олиб чиқилади. Бу қарор фақат халқаро жамоатчиликни алдаш учун...”

Ҳозир ўқувчиларни пахтага олиб чиқиш учун юз фоиз тайёргарлик кетаяпти. Буни Мирзиёев ҳам, бошқалар ҳам айтишмайди. Бу маълумот ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларидан олинган фактлар”.

Ўзбекистонда болаларнинг мажбурий меҳнатга жалб қилиниши халқаро миқёсда кескин танқидга учраб келади. АҚШ ва Европа Иттифоқида норозилик намойишлари бўлиб ўтган. Ватанидан сиёсий босим остида чиқиб кетган ҳуқуқ ҳимоячилари ва муҳолифатчилар халқаро жамоатчилик эътиборини Ўзбекистондаги ҳолатга қаратишга уриниб келади. Бу ташаббуслар Фарбда пахта маҳсулоти билан ишловчи бир неча йирик ширкатлар томонидан қувватланади. Кўплаб компаниялар болалар меҳнати эвазига терилаётган ўзбек пахтаси ва ундан тайёрланган маҳсулотлардан воз кечган. Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда етакчи ўринда турса-да, дейди танқидчилар, бу маҳсулотдан келаётган даромад фермерлар ва теримчиларга етиб бормайди.

## ҚОҲИРАДА МУҲИМ УЧРАШУВ

17 сентябрь куни Қоҳирада Миср Президенти Муҳаммад Мурсийнинг ташаббуси билан Сурия масаласини чўзиш учун тўртлик гуруҳ вакилларининг ўзаро учрашуви бўлиб ўтди. Мурсий бундай тўртлик гуруҳини тузишни Ислом Ҳамкорлик Ташкилотнинг Маккадаги ва бетараф давлатларларнинг Техрондаги йиғилишида кун тартибига келтирганди. Қоҳирадаги учрашувга Миср, Туркия ва Эрон Ташки Ишлар Вазирлари қатнашганлар. Тўртликнинг яна бир иштирокчиси Саудия Арабистони Ташки Ишлар вазири Файсалнинг соғлигини рўқач қилиб ушбу муҳим учрашувга қатнашмади. Учрашувда қатнашган Туркия Ташки Ишлар вазири Довутўғли Миср Президенти Мурсий та-

рафидан ҳам қабул қилинди. Ушбу учрашувда Довутўғли “Мисрда халқ ҳаракатини қўллаб қувватлаганлар, Суриядаги бундай ҳаракатга қарши чиқмасликларни керак”, дея билвосита Эронни танқид қилган. Маълум бўлгани каби куни кеча Эрон инқилоби ҳарбий ҳимоячиларининг қўмондони Эронлик ҳарбийларнинг Суриядаги диктатор Асад режимини қўллаш учун бу мамлакатга борганликларини эътироф қилганди. Миср Президенти Мурсий ўзининг бу ташаббуси билан агар Эрон Суриядаги диктаторликни қўллаб қувватлашдан воз кечса, минтақадаги араб давлатлари ва Эрон орасидаги дипломатик алоқаларни ва ўзаро ихтилофларни тузатишга имкон туғилишини



таъкидлаган. Айтиш керакки, Сурия муаммоси туфайли Эрон ва Туркия муносабатлари ҳам ниҳоятда совуқлишиб кетди. Довутўғли матбуотга октябрь ойда Миср Президентининг Туркияни, Туркия Бош Вазири Эрдўғоннинг эса яна шу ойда Мисрни зиёрат қилишини билдирган.

ЎХХ Хабар Маркази



(Давоми: Боши олдинги сонларда)

Бу тоифадаги одамларнинг фалсафаси мана шундай. Советлар мафкурасининг етмиш йиллик исканжасида қарахтланган бу бегуноҳларни Каримов режими фалажлади.

Лекин Каримовнинг аёвсиз зулм, ўта қашшоқлантирувчи сиёсати оқибатида Ўзбекистон аҳолисининг бу қатлами ҳам адолат учун курашилмаган маконда чинакам тинчлик, чинакам хотиржамлик, чинакам фаравонлик бўлиши мумкин эмаслигини ўз вужудларида тобора кўпроқ ҳис этиб бормоқдалар. Каримовнинг ушбу суиқасдга уриниши бу қатламни ҳам, бир оз бўлсин, сескантирди. Вужудда бир сесканиш бўлдим, бас, бу яқин келажакда унинг уйғониши, қарахтликдан, фалажликдан ҳалос бўлиши аломатидир. Биз халқимизнинг бир бўлаги бўлган бу қатламга ҳам Оллоҳдан ҳидоят тилаймиз. Зотан, бизнинг бу қатламдан ҳам умидимиз бор.

Эндиликда Ислоҳ Каримов ўз режими тарих ахлатхонасига супуриш арафасида турганлигидан; кўли бегуноҳ одамларнинг қониға ботганлиги учун жавоб бериш талаб этиладиган кунлар тобора яқинлашиб келаётганидан даҳшатга, талавасага тушмоқда. Ушбу суиқасдга уриниш воқеаси ҳам ана шу юз талвасанинг бир кўринишидир. Президентлик курсиси унинг учун ҳаёт-мамот масаласига айлангани сабаби ҳам ана шунда.

Лекин бу амал курсиси Каримов ва унинг яловбардорларини муқаррар жазодан буткул кутқара олмайди. Наридан бора, уни бир мунча орқага суриши мумкин, холос. Қолаверса, уни истикболда яна ҳам даҳшатлироқ жазо - охират азоблари кутиб турибди.

Бетараф ва ҳолис сиёсатчилар номидан воқеага муносабат билдирганлардан яна бири Абдуманнон Пўлатов бўлди. Аввалига у бетарафлик ролини анча дуруст ижро этди. Воқеа содир бўлган жойдан анча узок масофада эканлиги, тафсилотларни яқши билмагани учун бирон фикр айтиш қийинлиги, шунингдек, нутқ оҳанги орқали ишонарли ифода эта олди у ўз «холис»лигини, «бетараф»лигини. Лекин ўзининг яқуний ҳулосаларини айтишга келганда, у Каримовга ён босиш мақсадида муҳолиф шаънига ярашмайдиган даражада ўзини соддаликка, гўлликка солди. У Каримовнинг ташқи сиёсат юритиш бобидаги маҳоратиға ҳамду санолар айтгач, бундай суиқасд уюштиришга уриниш Ўзбекистон ҳукуматининг манфаатига зид эканини, айниқса, бу ишга Интерполнинг миллий бўлими аралаштирилгани ҳақидаги фикрлар мантисиз экани, ҳуллас, Муҳаммад Солиҳнинг ушбу баёнотиға шубҳа

билан қарашини маълум қилди. Бир вақтлар Болеслав Берутнинг иш столи тортмасидан топилган «Мулақо маҳфий» остидаги Сталин кўрсатмалари битилган ҳужжат матнининг мазмуни Пўлатовга яқши маълум. Ўша ҳужжат бандларининг бирида шундай мазмундаги жумлалар бор: «Маҳаллий халқ орасида етишиб чикқан, оммага таъсир ўтказиш, эргаштириш қобилятиға эға бўлган эътиборли шахсларни пул ёки амал билан сотиб олиш керак. Сотилмайдиганларини қамаш ёки юртдан сургун қилиш зарур. Бу тadbирлар ҳам кутилган натижани бермаса, ундай одамни жисмонан йўқ қилиш тadbирларини кўрмоқ лозим бўлади». Каримов режими худди ана шундай йўл тутаётганидан, нахотки, бу «муҳолиф» беҳабар бўлса? Бу фикрни исбот этувчи бир неча юзлаб далиллар «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» Пўлатовнинг ҳам кўлидан ўтмаганми ахир? Шундай экан, биз «ҳуқуқ ҳимоячиси»нинг: «Ўзбекистон ҳукумати бу суиқасддан қандай манфаат кўриши мумкин?» дея ўзини гўлликка солиши одамни ажаблантиради ва «Абдуманноннинг ўзи бу «содда» адвокатликдан қандай манфаат кўриши мумкин?» деган савол туғилади. Ўзбекистон ҳукумати суиқасд уюштиришга урингани ҳақида Муҳаммад Солиҳ томонидан баёнот берилганига 10 кундан ортиқ вақт ўтганига қарамай, «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбаси бундай «қўрқинчли гап»ларни эфирга узатишдан кўрқдими, ҳар қалай, шошилмасликни, ҳозирча бу борада Ўзбекистон ҳукуматининг манфаатларини ҳимоя қиладиган эшиттиришларни бериш билан чекланишни афзал кўрди.

Ниҳоят, «Свобода» радиоси суиқасд уюштирилганини фош қилувчи бир қатор далилларни эфирга узатганидан кейин, бу радионинг ўзбек шўъбаси ҳам ҳаракатга тушишга мажбур бўлди.

17, 18, 19 май кунлари «Озодлик» радиосидан ушбу радио ходими Бек Нормухаммад билан суиқасд ҳаракатиға асосий гувоҳлик бераётган Баҳром Мўминоҳунов суҳбасти эшиттирилди. Суҳбат асносида суиқасд ҳаракатини фош этувчи далил сифатида магнит тасмасига таширилган баъзи суҳбатлар ҳам (масалан, Ўзбекистон Интерполи бошлиғи Маҳмуд Ҳайитовнинг телефон орқали айтган суиқасдга оид гаплари) эфирга узатилди.

Суҳбат ниҳоясида радио муҳбири хотима ўрнида шундай ҳулоса қилди: «Бу ҳодисаға ишонгинг келмайди, чунки бунга ишонининг ўзи даҳшат». Ҳақиқатдан ҳам, бу воқеаға ишонининг ўзи даҳшат. Тагдор ва ўта мазмунли ифода. Лекин айна пайтда бу мазмунли ифоданинг

иккинчи томони ҳам бор. Бу ифода айна пайтда Ўзбекистонимиздаги «нима бўлса-бўлсин, аммо тинчлик, хотиржамлик бўлсин», деб, ўз хотиржамлигини ҳамма нарсадан, ҳатто иймонидан ҳам устун қўядиган одамларнинг ҳам айна кўнглидаги гапдир. Ўзбекистонда бундай тоифадаги одамлар қатта қатламни ташкил этади. Уларнинг фикрлаш тарзи қуйидагидай: «Ишонининг ўзи даҳшатли бўлганидан кейин ишонининг нима кераги бор, қўй, бошни оғритма, ишонмаслик керак. Ана шунда тинч, хотиржам бўласан». Тасаввур қилинг, Баҳром Мўминоҳунов келтирган далилларга ишониниға тўғри келиб қолди. Натижа нима бўлади? Натижада, даҳшат кетидан даҳшат чиқиб келаверади. Натижада Каримов президентликка ҳалол йўл билан сайланмагани ҳақидаги ҳақиқат ошкор бўлиб қолади.

Натижада «16 феврал поргашларидан Каримовнинг қўли бор», деган шубҳалар ҳам... у-у-у қандай даҳшат!

Натижада 1990 йилда Паркентнинг тинч аҳолисиға, 1992 йилда эса қуролсиз талабаларға қарши ўқ узишға буйруқ берган ҳам Каримовнинг ўзи, деган тахминлар ҳам ўз тасдиғини топа бошлайди... Ҳуллас, «хотиржамлик» бузилади, шунинг учун ҳам ҳукумат «хотиржамлик гарови» бўлган ёлғонни, «ишонини кўрқувини» доим янги ёлғон ва кўрқувлар билан озиклантириб туради. Унинг ҳаёт манбаи, «хотиржамлик манбаи» одамлар қалбидаги мана шу кўрқувдадир. (12-26.05.2001)

#### МУҲАММАД СОЛИҲГА ҚАРШИ СУИҚАСД

“Свобода” радиоси, 15.05.2001  
Дастур муҳаррири Тенгиз Гудава  
Дастурни Тенгиз Гудава олиб оради. Суҳбатда ўзбек ишодами Баҳром Мўминоҳунов; ўзбек сиёсий муҳожири, ёзувчи, муҳолифатдаги “ЭРК” Партияси лидери Муҳаммад Солиҳ; Экстремал журналистика Маркази директори Олег Панфиловлар катнашади; шунингдек, Баҳром Мўминоҳуновнинг Ўзбекистон Интерполи директори Маҳмуд Ҳайитов билан телефонда қилган суҳбати келтирилади.

Тенгиз Гудава: 10 май куни мен электрон почта орқали қуйидаги мактубни олдим (ўқийман):

“Билдириш

Мен, Баҳром Мўминоҳунов, 1958 йилда туғилган, Ўзбекистон фуқароси, шунинг билдираманки, мен сиёсий қотилликнинг тайёрланишиға бевосита гувоҳ бўлдим. Ва бу ерда ушбу акциянинг асосий гувоҳи сифатида чиқмоқдаман...”

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Ва билдириш давомида ҳозир муҳожириликда яшаётган ўзбек муҳолифати лидери Мухаммад Солихга қарши суиқасд тайёрлангани ҳақида гапирилади. Мен телефон орқали ҳозир Оврупо давлатларининг бирида яшаётган (тушунарли сабабларга кўра, бу мамлакат номини айтмайман), ушбу билдириш муаллифи Баҳром Мўминоҳунов билан телефон орқали боғландим. Мана, ёзиб олинган суҳбатимиз:

Баҳром Мўминоҳунов:

Мен, Мўминоҳунов Баҳром, 1958 йилда туғилган, Ўзбекистон фуқароси, шуни маълум қиламанки, “ЭРК” партияси лидери Мухаммад Солихга қарши суиқасд тайёргарлигининг бевосита гувоҳи бўлдим. 1999 йилнинг сентябр ойида меникига тижорат бўйича дўстларим келишиди - бу бир гуруҳ чеченлар бўлиб, улар ўзларининг Мухаммад Солих билан алоқада эканликларини айтиб қолишди. Бу гап менинг бошқа дўстларим ёнида айтилгани учун эртасигаёқ Ички Ишлар вазирлигига етиб борди. Мени Ички Ишлар вазири Зокир Алматов, терроризм билан кураш бўлими полковниги Ботир Турсунов ва Ўзбекистон Интерполи директори Махмуд Хайитов чақирдилар. Улар мендан ушбу чечен гуруҳи билан учраштиришни илтимос қилдилар. Мен бу чечен гуруҳи билан учрашувни ташкил қилиб бердим - бу одамлар яна бир марта Тошкентга келишди. Уларнинг келишдан мақсади тижорат эди, бундай одамлар билан учрашиш, биласизми, тижорат бизда фақат МВД (Ички Ишлар вазирлиги) ва СНБ (Миллий хавфсизлик хизмати)нинг кучли “томи” остидагина курилади, хуллас, мен уларни учраштириб қўйдим, улар менинг ёнимга келиб, Ички Ишлар вазирлиги уларга 1 миллион доллар бадалига ўзбек муҳолифати лидери Мухаммад Солихни йўқ этишни таклиф қилганларини айтишди. Мен уларга бу акцияда иштирок этмаслигимни айтдим, аммо музокаралар олиб борилаётгани ва бу одамлар фақат мени таниганлари учун, вазият шундай бўлдики, мен Ички Ишлар вазирлиги ва ушбу гуруҳ ўртасида боғловчи занжирга айланиб қолдим. Аммо мен уларга бир шарт қўйдим - бу ҳақда Солих хабар топиши керак. Бу гуруҳ, бу одамлар Солих билан боғландилар. У ўзига қарши бир неча йилдан бери ана шундай ҳаракатлар бўлаётганидан хабардор эканини айтди ва Каримов режимининг бутун жинойий режаларини фош қилиш ниятида Ички Ишлар вазирлигининг ушбу таклифни қабул қилишни илтимос қилди. Айтмоқчи бўлган гапим шу. Тенгиз Гудава:

Саволим шундан иборатки, агар Мухаммад Солихга қарши суиқасд тайёрланаётган бўлса ва сиз ушбу гуруҳ ва МВД ўртасида боғловчи бўгин сифатида хизмат қилар экансиз, курбоннинг бу суиқасд ҳақида хабар топиши сизнинг шартингиз бўлиши мумкинми?

Баҳром Мўминоҳунов:

Бу менинг шартим эди... Бу чечен гуруҳи котиллар гуруҳи эмасди ва яна... Бу тижорат бўйича жиддий структура, унинг жуда катта алоқалари бор. Булар жангарилар эмас, булар - тижорат билан шуғулланаётган нормал одамлар ва улар бизнинг, айтайлик, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари тарафидан тушган бу таклифни эшитиб, ларзага тушганлар. Яъни, бу - чеченларнинг айнан буюртма қилинган котилликни амалга ошириш учун келганини билдирмайди. Тенгиз Гудава:

Яъни, уларга бу таклиф қилинган?

Баҳром Мўминоҳунов:

Уларга бу таклиф қилинган, чунки улар Мухаммад Солих билан алоқада бўлганлар. Табиийки, тижорат соҳасида ҳам уларга жуда катта имкониятлар ваъда қилинган, яъни иш битганидан кейин.

Тенгиз Гудава:

Бу одамлар, тижоратчилар, керак бўлган пайтда сизнинг сўзларингизни тасдиқлай оладими?

Баҳром Мўминоҳунов:

Албатта.

Тенгиз Гудава:

Ўзингиз-чи, сўзларингизни қасам остида тасдиқлай оласизми?

Баҳром Мўминоҳунов:

Қандай қасам остида?

Тенгиз Гудава:

Масалан, одатда сўраганларидай...

Баҳром Мўминоҳунов:

Мен Қуръонда қасам ичишга тайёрман.

Тенгиз Гудава:

Сиз бу информация билан бирон жойга мурожаат қилдингизми?

Баҳром Мўминоҳунов:

Албатта, мурожаат қилганман. Бу ҳақда Американинг Москвадаги элчихонаси хабардор - бу тахминан бир ой олдин бўлган эди. Мен АҚШ элчихонасига мурожаат қилганман, кимга мурожаат қилганимни айттайми?

Тенгиз Гудава:

Сиз бу ўлканинг ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилмадингизми - ҳар ҳолда Мухаммад Солих бу ўлкада яшайди?

Баҳром Мўминоҳунов:

Биз... Бу ҳақда гапиришга ҳали эрта. Аммо, албатта, мурожаат қилганмиз. Бу ерда бу ҳақда аллақачон хабарлари бор, уни кўриқлаётган хавфсизлик хизмати бундан билишади. Бу билдириш ҳақда Ташқи ишлар министрлигининг ҳам хабари бор,

жуда кўп ёзувлар мавжуд. Мен ўз дўстларим орқали Норвегия элчилигининг иккинчи котиби Барт Горман билан учрашдим, у икки кундан сўнг менга: “Сиз хавотирланманг, у киши бу акция ҳақда огоҳлантирилган”, деб айтди.

(Тузатиш: “Свобода” радиосида берилган эшиттиришда Барт Горманнинг кимлиги айтилмаган, таржимон ҳам унинг Норвегия элчихонаси ходими деб ўйлаган ва шундай таржима қилган.)

Аслида, Барт Горман Москвадаги Америка элчихонаси 2-котиби экан. Бундан Баҳром Мўминоҳунов эътироф қилди. Б. Мўминоҳунов Москвада тайёрланаётган суиқасддан АҚШ элчихонасини огоҳ қилган ва Барт Горман унга ўша юқорида келтирилган гапларни айтган, - тахр.)

Тенгиз Гудава:

Айтингчи, жаноб Мўминоҳунов, сиз лозим бўлганда кўрсатиш мумкин бўлган ҳужжатлар бор деяпсиз, бу қандай ҳужжатлар?

Баҳром Мўминоҳунов:

Булар - ёзиб олинган суҳбатлар, телефон суҳбатлари.

Тенгиз Гудава:

Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлиги ходимлари биланми?

Баҳром Мўминоҳунов:

Ҳа, ҳа.

Тенгиз Гудава:

Марҳамат қилиб, яна бир марта такрорласангиз, Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлигидагилардан конкрет кимдан бундай буюртма келди?

Баҳром Мўминоҳунов:

Бу буюртма Ички Ишлар вазирлигининг буюртмаси эмас, чунки на министр, на Интерпол директори мустақил равишда бундай одамни йўқ қилиш ҳақда қарор қабул қила олмайдилар. Бу буюртма тепадан келаяпти, яъни бу Каримовнинг буюртмаси.

Тенгиз Гудава:

Буюртма қандай ифодаларда берилган?

Баҳром Мўминоҳунов:

У ерда конкрет равишда бажариш муддатини талаб қилишади.

Тенгиз Гудава:

Яъни, аниқ бир муддат ҳақида гапирилган?

Баҳром Мўминоҳунов:

Ҳа, албатта.

Тенгиз Гудава:

Ва тўланиши лозим бўлган пул миқдори ҳам?

Баҳром Мўминоҳунов:

Ҳа, албатта.

Тенгиз Гудава:

Бу пул миқдори?

Баҳром Мўминоҳунов:

Миллион доллар.

Тенгиз Гудава:

Олдин сиз сиёсат билан шуғулланганмисиз?

(Давоми келгуси сонда)



## ОЧЛИК БИЛАН ДАВОЛАШ (РЎЗА)

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Абу Хурайрага шундай васият қилди: Ҳар ким кўркувдан дир-дир титрар экан, кўркув ҳис этмаганларнинг, ҳар ким жаҳаннам оташидан фараёд этаркан, роҳат ва хузур ичида бўлганларнинг йўлини тут! Улар кимдир, ё, Расулиллоҳ? Уларнинг ҳолатини менга билдир, ки мен уларни таниб олай, - деди Абу Хурайра. Улар Охир замонда келажак умматларимдандир. Улар Маҳшарга келаркан, пайғамбарлар каби келарлар. Уларни кўрганлар пайғамбар деб ўйларлар. Мен уларни кўриб, «ох, умматим, ох, умматим», дейман. Маҳшар халқи уларнинг пайғамбар эмас, менинг умматим эканликларини англайдилар. Улар Маҳшар еридан йилдирим каби кечарлар. Уларнинг нури бутун Маҳшар халқининг кўзларини камаштирар. Ё, Расулиллоҳ, уларнинг амалларини менга ҳам ўргат, балки мен ҳам улар каби бўларман, - деди Абу Хурайра. Эй, Абу Хурайра, уларнинг йўли қийин. Улар уйларида емаклари бор экан, очликни танлайдилар. Ҳар хил либослари бор экан, қудратга эга экан, либосга аҳамият бермаслар. Ҳар турли шарбатни ичишлари мумкин ҳолда, сувсизликка чидарлар. Буларни фақат Оллоҳ ризоси учун, бошқаларни ўз нафсларидан устун қўйганларидан қиларлар. Дунёда фақат баданлари бордир, дунё беағзага учмаслар. Малаклар, пайғамбарлар уларнинг ибодатларидан хайратга тушарлар. Уларга муждалар бўлсин! Уларга муждалар бўлсин! Оллоҳим, мен билан уларни жаъм айла!, - деди Расулиллоҳ алайҳиссалом ва йиғлади. Ва яна: Оллоҳ ер юзидагиларга азоб этмакни мурод этса, ўшаларнинг ҳурмати туфайли бу азобни бекор қилади. Эй, Абу Хурайра, сен ҳам уларнинг йўлидан кет. Уларга муҳолифат қилган киши қаттиқ ҳисобга тортилади, - деди Расулиллоҳ алайҳиссалом”. (Мухиддин Ибн Арабий) Нафсларингизни оч қўйинг-ки, қалбларингиз Аллоҳни (Унинг жамолини) мушоҳада эта билсин!” (Ҳазрати Исо .а.с.) “Очлик Аллоҳнинг хазиначисидан биридир. Аллоҳ уни ўзи истаган ва севган кишиларига беради”. (Абу Сулаймон Дароний) Аллоҳ Таъоло рўзани илк мартаба Одам алайҳиссаломга, сўнг навбати билан, бошқа пайғамбарларга, улар эса ўз умматларига амр этдилар. Мусо алайҳиссалом ва Илос алайҳиссалом 40 кун, Исо алайҳиссалом 60 кун ҳеч нарса емасдан рўза тутганлар. Абдулқодир Гилоний ҳазратлари 40 кунда бир марта ифтор қиларди. Булар афсона эмас, тасдиқланган, китобларда кўрсатилган ҳақиқатлардир. Довуд алайҳиссалом умр бўйи бир

кун ер, бир кун рўза тутарди. Бу рўза “Савми Довуд” дейилади. Савми Довуд - рўзаларнинг энг оғири - пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ҳам энг севган рўзасидир. Бундан ташқари, Абу Зар (р.а.) Бухорий ва Муслимнинг саҳихларида Пайғамбаримизнинг (с.а.) “Оби зам-замдан бошқа ейдиган нарсам қолмаганда, Каъба билан унинг ғилофи орасида қирқ кун ва қирқ кеча қолдим”, - деганини ривоят қилади. Инсонга бир кунда 250-500 грамм овқат етарлидир. Бундан ортиғи баданда қолдиқ пайдо қилади ва касалликларни вужудга келтиради. Бу ҳолатда вужуд хасталикка қаршилиқ кўрсата олмайди. Чунки доимо ҳазм билан курашиш, ортикча ва токсин моддаларни чиқариш, чиқмаганларини ажратиш, сақлаб қўйиш жуда оғир ишдир. Бундай ҳолатда рўза энг яхши ёрдамчидир. Инсон рўза тутганда, яъни оч қолганда, унинг вужуди ҳазм қилиш жараёнидан озод бўлади ва ўзини ўзи тозалашга киришади. Қолдиқларни ва токсинларни жигар ва ичаклардан - чиққан шлаклар (ахлатлар) орқали, ўпкалардан - йўтал ва нафас олиш билан; миядан - акса урмоқ, кўз ёши билан, қулоққори ва бурун оқиши билан; буйрақдан - сийдик билан; қондан - тер билан ташқарига чиқара бошлайди. Бу оғир ишни амалга оширишда кўп қувват сарфланади. Вужуд бу қувватни топа билиш учун аввал заҳирадаги гликоген ва ёғларни ишлата бошлайди. Натигада, очликнинг илк 3-4 кунда инсон ҳар куни 1-1,5 кг. вазн ташлайди. 3-4 кундан кейин тозаланган қон томирларнинг деворларидаги холестерин, токсин ва туз қатламини эритиб, организмдан чиқара бошлайди. Бу кунларда инсоннинг оғзи, нафаси ва тери оғир хид таркатади; туфуги кўпаяди, қуюқ ва ёпишқоқ бўлади. Сийдик қуюқлашади, ранги ўзгаради, хиди ўткир бўлади; бундан ташқари, қум ва тошлар ҳам тўкилиши мумкин. Титраш, қон босимининг тушиши ёки кўтарилиши кузатилиши мумкин. Ошқозон бехузур бўлиши, қусиш, кичима бўлиши мумкин; тил оқариши, учук, хуснбузар, ҳатто чипқон ва яралар чиқиши мумкин. Фақат ибодатини қилган инсонларнинг рўзаси жуда тинч ўтади. Уларда фақат энгил титраш бўлади ёки набзи (пульси) тушади. Очликнинг 5-7-чи кун оғиздан ва теридан шиддатли ацетон хиди кела бошлайди. Бу хид организм ички озиклинишга ўтганини билдиради, бу нарса ҳаммага оғир келиши мумкин. Чунки очликнинг таъсири хужайраларга инади, функцияси ўзгарган хужайраларни тозалайди. Тозаланиши мумкин бўлмаган хужайраларни парчалаб, уларни ўзига озуқа қилади, яъни

хасталикларни тубдан йўқ қила бошлайди. Тузларни ва заҳирадаги ортикча моддаларни эритиб, уларни қисман қўллайди, қисман ташқарига отади. 5-7-чи кундан сўнгра жигаранг, ўта ўткир хидли нажас келиши мумкин. Аёлларда қуюқ кезил, жигар ранг ва яшилга яқин, ичида парчалар бўлган хидли ҳайз қонаши рўй бериши мумкин. Бу нормал, ҳатто яхши ҳодисадир. Бу кунларда рўзали кишининг туфуги яллиғланган яраларни яхшилади, вирус ёки замбуруғ инфекцияси туфайли рўй берувчи тери касалликларини, қулоқдаги замбуруғларни қуритади, вирусни йўқотади, янги катарактани эритади, ҳатто чаённи ўлдирди. Пайғамбарлар очлик туфуги билан касалларни даволашардилар. Бу жараёнда вазн йўқотиш камаяди, қунига 500-700 граммга тушади. 7-чи кундан эътиборан вазн йўқотиш қунига 300-360 граммга, 21 кундан сўнг эса 120-150 граммга тушади. Семиз бўлганлар кўп вазн йўқотадилар. Агар очлик вақтида сув ичилмаса, вужуд сув топиш мақсадида касал хужайрани парчалаб, қўлланади ва касалликлар қиска вақтда даволанади. Бироқ сувсираган кишилар сув ичишлари керак. Сув ичиш истаги организмда токсинларни эритиш учун сувга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Хасталик тугаса, яъни вужуд барча касал хужайраларни ва Аллоҳнинг зикридан воз кечган хужайраларни еб тугатса, рўзали инсоннинг иштаҳаси дарров очилади. Иштаҳа очилмаса, рўзани давом эттириш керак. Очликда ният жуда муҳимдир. Очликка ният қилинганда вужуд ўзини бу ниятга кўра дастурлаштиради. Очликнинг ҳар куни учун аниқ миқдорларда ортикча моддаларни қамайтиришга ва сарф қилишни режалаштиради. Вужуднинг дастурини бузмаслик учун ниятни бузмаслик керак. Очликдан қўрқиш учун сабаб йўқ, очликдан инсонга ҳеч бир зарар келмайди. Чунки, Аллоҳ Таъолони зикр қилган хужайрага қабрда қурт-қумурска тега олмгани каби, очлик ҳам вужуддаги зикр этган хужайраларга тега олмайди. Очликда бадан ҳам оч қолмайди, чунки ҳар бир хужайранинг 40 кунлик заҳираси, ризки бор. Шу билан бирга, вужуд йиллар давомида тўпланган ортикча модда ва ёғни озуқага алмаштириб, қўллайди. Буни идрок этганнинг очлиги хотиржам ўтади. Олимлар: “Соғлиқ учун оч қолиш рўза ҳисобланмайди”, дейдилар. Демак, ният этганда фақат Аллоҳнинг розилиги учун соғлом бўлишни кўзлаб, ният қилиш тўғри бўлади. Ҳайзли ва нифосли (туққан) аёллар ҳам рўза нияти билан эмас, соғлиқ нияти билан очликни амалга оширишлари лозим. (Давоми кейинги бетда)


## ОЧЛИК БИЛАН ДАВОЛАШ (РЎЗА)

*Давоми боши олдинги бетда*

Соғлом бўлиш учун ўн кундан кўп очликка ҳожат йўқдир. Очлик қила олмаганлар очлик кунининг 2 бараваригача ҳар куни мева ва сабзавот шарбати ичиб, мисол учун, 3 кунлик очлик ўрнига 7 кун, 10 кунлик очлик ўрнига 21 кун фақат мева ва сабзавот шарбати ичиб, ўтказишлари лозим. Кунига 1,5-2 литр янги сикилган мева ва сабзавот шарбати етарли бўлади. Мева ва сабзавот шарбатига биров сув қўшимча этишни унутмаслик лозим. Мева шарбатини танлаганда “Дорилар” бўлимига қаранг. Фақат турли мева шарбати танлаганингиз каби, ҳар сафар бошқа-бошқа мева шарбатлари ҳам ичишингиз мумкин. Мисол учун, 7 кун мобайнида фақат олма суви ва олма шарбати + сабзи шарбати ва қизил лавлаги шарбати+сабзи шарбати аралашмаси ҳам ичишингиз мумкин. Мисол учун, эрталаб лимон, грейфрут ва апельсин шарбати, пешинда - анор, пешиндан кейин - олма + сабзи шарбати аралашмаси, кечқурун эса - сабзи + қизил лавлаги суви ичилиши мумкин. Соғлом одам учун мева сувидан кўра меванинг ўзи жуда фойдалидир.

### Бир кунлик очлик

Суннат рўзалари ҳар душанба ва пайшанба куни тугилади. Бу, шубҳасиз, рўза учун энг хайрли кунлардир. Шу билан бирга, ҳафтанинг исталган куниди ҳам рўза тутиш мумкин. Мисол учун, душанба куни тугилувчи бир кунлик, яъни 36 соатлик очлик рўзаси қуйидаги шаклда амалга оширилади: Якшанба кечқурун соат 19:00’дан эътиборан ҳеч бир нарса еманг. Уйқудан олдин сано ёки магнезиум сулфат каби бир ичак бўшатувчи дори ичилди. Душанба эрталаб ҳеч нарса емасдан катта ҳожат келиши учун 1 стакан сув ичилади ва рўза бошланади. Ич қотиш муаммосига дучор бўлганлар клизма ҳам қилиши мумкин. Ич қотиш муаммоси бўлмаса, 1 кунлик ва 3 кунлик рўзада клизма қилишга ва сано ичишга зарурат йўқ. Ифторда рўза ҳеч нарса емасдан 1-3 ютум сув билан очилади. Бироқ сув ичишни истаганлар истаганича сув ичишлари мумкин. Сешанба эрталаб соат 07:00’ да мева шарбати ичилади ва мева ейилади. Шу тарзда 36 соатлик рўза тамомланади. Шу куни кун бўйи фақат мева суви ичилади, мева ва салат ейилади, кечқурунга яқин овқат ейилиши мумкин. Рўза ширинлик ва овқат билан очилмайди. Рўзани ширинлик билан очиш ошқозон ости безига ҳавф тугдириб, уни қийнайди. Рўзани овқат билан очиш эса ичак ўралишига сабаб бўлиши мумкин. Бир кунлик рўзани давом эттиришни истаганлар ҳафтанинг айни куни, мисол учун, ҳар душанба, танафуссиз



давом эттиришлари лозим. Чунки вужуд учун ҳафтанинг айни куни тугилган рўза қулай бўлади. Рўза куни келганда иштаха ўз-ўзидан кесилади ва очлик осойишта ўтади. Рўза фарқли кунларда тугилса, организм ўзини йўқотиб қўяди, иштаха кесилмайди ва очлик қулай кечмайди. Бола ва ёшлар рўзага жуда қулай мослашади ва қисқа вақтда бутун хасталиклардан қутилишади. Ҳафтада 1 кун рўза тутган ва овқат тартибини бузмаган кишилар касаллик кўрмайдилар. Ақлли инсон хасталиклардан умр бўйи химояланиш учун ҳафтада 1 кун рўза тутишни қанда қилмайди. Кексалар бутун тозалашларни амалга оширгандан сўнг 1 кунлик рўза тутишади.

### Уч кунлик очлик

Очликнинг илк куни, худди бир кунлик очликда бўлгани каби, сахарда сув ичилади, сўнг ифтор ва сахарда бир нарса емасдан 3 кун кетма-кет рўза тугилади. Оғир касалликларга чалинганлар уч кунлик рўзани 7 кунлик оралик (танафусслар) билан 7-21 марта амалга оширишлари керак. Уч кунлик рўзанинг барча касалликларга фойдаси бор. Рўзаларнинг охирида аввал мева шарбати, сўнг мева, ундан сўнг салат ейилади, фақат кечқурун сабзи овқат ейилиши мумкин.

### Ўн кунлик очлик

Ўсимталар(шиш), оғир суюқ хасталиклар, руҳий касалликлар, тутканоқ (эпилепсия) ва мултипл склероз (MS), каби неврологик касалликлар, юрак томир хасталиклари ва барча оғир дардлардан 10 кун оч қолмасдан қутилиш қийин. Чунки юқорида айтилгани каби, очлик фақат 5-чи-7-чи кундан сўнг ҳужайраларга тушади ва ўзгарган ҳужайраларни яхшилайдди, яхшиланмаганларини йўқ қилади. Рўза бошлашдан олдин кечқурун янчилган сано ёки магнезиум сулфат олинади ва сахарда 1-2 стакан сув ичилади. Ичаклар бўшамаса, клизма қилинади, чунки рўза давомида ича-

қлар тоза бўлиши керак. Илк 3 кун ифторда 1-3 ютум, жуда исталса, исталганича сув ичиш мумкин. 3 кундан сўнг ифтор ва сахарда исталганича сув ичиш мумкин. Ичилган сувнинг сифати жуда муҳимдир. (“Сув” бўлимига қаранг.) Кунда 1-2 марта совуққа яқин илиқ ёки совуқ сув билан ғусл қилинади. Таҳорат учун ҳам, ичиш учун ҳам иссиқ сув қўлланилмаслиги лозим, чунки очликда ошқозон безлари ишламайди ва фермент ишлаб чиқармайди. Ичилган ва ғусулда қўлланилган иссиқ сув ошқозон безларини ишлатиб юборади, ошқозон безлари эса фермент ишлаб чиқара бошлайди. Бундай ҳолатда инсон рўзасини очишга мажбур бўлади.

Очликда ҳар хил жойларда оғриклар, иситма, титраш, қусиш, ич кетиши бўлиши мумкин, қондаги шакар ва қон босими тушиши мумкин. Буларнинг барчаси нормал ҳолат бўлиб, яхшиланишга ишоратдир. Бу жараён организмнинг ўз ҳолатига кўра ўз эҳтиёжини тартибга солишидир, бу жараёнга аралашиб, яъни уни тўхтатиш учун дори ичиш тўғри эмас. Бу ҳолатлардан бири ёки бир қанчаси юзага келса, сув клизмаси қилинади. Клизма йўли билан ташқарига чиққан унсурлар кўп бўлса, очлик давомида бир-икки кунда бир клизма қилинаверади. 10 кунлик рўзани шу масалани тушунган бир доктор назоратида амалга ошириш жуда қулайдир. Бундан ташқари, рўзанинг моҳиятини англамаган докторлардан узоқ туриш лозим. Очлик тугагандан кейинги 10 кунлик босқич ўн кун очлик каби муҳимдир. Бу кунларда вужуд йўқолган хаста ҳужайраларнинг ўрнини тўлдириш учун соғлом ҳужайраларни қўпайтириб, аъзоларни янгидан қуришни бошлайди. Яъни тамомланган рўзанинг натижаси бевосита бу ўн кун мобайнида еган овқатларга боғлиқдир. Истеъмол қилинган овқат мева, тоза сабзи, рафина қилинмаган зайтун ёғи, табиий асал бўлиши керак. Сувга диққат қилиш лозим! (“Сув” бўлимига қаранг.)

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
Камолдин Йўлдош